O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 5-avgust, 2009-yil ● №33 (636) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ЙЎЛДОШ ОТАНИНГ ШУКРОНАСИ



"Иймон — маънавиятнинг устуни, болам. Бу устун қуласа, киши ҳидоят йўлидан адашади. Иймони суст одам ҳар қандай йўлга кириб кетаверади. Иймонсиз учун муқаддас тушунча йўқ. Вақти келса, хиёнат йўлига киришдан ҳам тоймайди. Иймонга собитлик — Ватанга садоқатдир".

➪ 3-бет


СЎЗЛАШУВ ОДОБИ ҲАР ЖОЙДА КЕРАК

Халқимизда "Кўрмаганнинг кўргани курсин" ёки "Семизликни қўй кўтаради" деган ибратомуз мақоллар бор. Бу тоифадагилар чўнтагига уч-тўрт сўм ортиқча пул тушгандан кейин иймонини ютиб, ҳаром-ҳаришдан, харидор ҳақидан ҳазар қилмайдиган бўлиб қоладилар.



➪ 6-бет

«АСАР ЁЗИШ — ЎЗИМНИ АНГЛАШ ДЕМАКДИР»



Орзунинг моҳияти сиз унга доим талпинишингиздадир. Тўғри, аксарият одамлар кўпроқ моддий орзулар ҳақида бош қотирадилар. Лекин биз сиз билан ҳозир руҳий, маънавий орзулар хусусида — ҳаёт ҳақида гаплашаяпмиз.

➪ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

■ 4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

■ **Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида ОДКБ коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.**

Музокарада ОДКБ фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга, минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги соҳасига ҳам эътибор қаратдилар.

■ Бухоро шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш — демократик давлатнинг муҳим принципи" мавзуида семинар ўтказилди. Унда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, депутатлар, ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва бошқалар иштирок этди.



ДУНЁ ЭЪТИРОФИДАГИ ШАҲАР

Қадимдан илм-фан, маданиятнинг йирик маркази бўлган Тошкент шаҳри аждодларимиз қолдирган бой маънавий мероси, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос ифодаси бўлган минглаб осору атиқалари билан неча асрларки, дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Шарқ дарвозаси ҳисобланган гўзал пойтахтимиз XIV асрнинг иккинчи ярми – XV асрнинг 80-йилларигача Амир Темур ва темурийлар давлати таркибига кирган. Буюк Соҳибқирон ҳукмдорлиги даврида Тошкент шаҳри ва унинг атрофида катта қурилиш ишлари олиб борилган. XIII асрда бузиб ташланган Банокат (ўша даврда шаҳар шундай номланган) қалъаси қайта тикланган ва Соҳибқирон-нинг ўғли шарафига Шоҳруҳия деган ном олган. Шу даврларда шаҳар тўртта даҳадан иборат бўлиб, улар Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Кўкча ва Себзор деб аталган. Ўша даврда шаҳар ҳаётида ҳунармандчилик муҳим аҳамият касб этган. Темир, кумуш, қўрғошин, феруза-га бой бўлган Шош бағридаги конлардан олинган хомашё қайта ишланган. Асосий маҳсулотларини рўзғорда фойдаланиладиган сирли идишлар ташкил этган бўлиб, улар мўғуллар давридаги сопол идишлардан нафис ишлови билан фарқ қилади.

Ҳозир пойтахтимиздаги йирик хиёбонлардан бири Амир Темур номи билан аталиб, унинг яқинида қурилган Темурийлар тарихи давлат музейи юртдошларимиз қатори хорижлик меҳмонларнинг ҳам қадами узилмайдиган масканлардан бирига айлангани қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Мустақиллик майдонига меҳмон бўлган ҳар бир киши истиқлол шукуҳи, юртимиз қудрати, Ватан туйғусини теран ҳис этади. Майдонни кезар эканмиз, бу ерда сайр қилаётган юртдошларимизнинг юрагида кечаётган дил изҳорлари билан ўртоқлашгимиз келди.

– Ҳар йили меҳнат таътилига чиққанимда гўзал пойтахтимизни зиёрат қилиб қайтаман. Бу сафар ҳам юрагимда чексиз фахр-ифтихор, ғурур туйғулари жўш урмоқда. Шундай гўзал диёрда, шундай муаззам юртда яшаётганимдан ғоят бахтиёрман, — дейди қашқадарёлик Мунира Жўраева. – Масалан, Мустақиллик ва Эзгулик монументи халқимизнинг рўёбга чиққан асрий орзу-умидлари тимсолига ўхшайди. Фарзандини бағрига босиб, унга меҳр билан термилиб турган она сиймосида бугунги тинч, осуда ҳаёт, порлоқ келажакка бўлган халқнинг мустаҳкам ишончи намоён бўлгандек. Ер шаридаги Ўзбекистон харитаси Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни борлигини намоён этади. Эзгулик аркасининг баланд ва мармар устунлари истиқлолнинг мустаҳкам пойдевори, куч-қудратини акс эттирса, оқ лайлаклар пок орзу-умидлар, юртда қарор топган осойишталик ва фаровонлик рамзидир. Ана шундай гўзал юртда яшаш бахти бизни ҳар доим улуғ мақсадлар сари етаклайди.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллигига 18 йил тўлиши ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда янада кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Бир қатор замонавий иншоотлар, янги йўллар ва кўприклар, боғу хиёбонлар бунёд этилмоқда. Демак, азим Тошкент янада чирой очиб, гўзаллашиб бораверади. Зотан, Тошкент – буюк келажак сари дадил бораётган юртнинг уриб турган юраги, улкан ишларга қодир бўлган бунёдкор халқнинг жонажон пойтахтидир.

Нодирбек АБУЛОВ



ОБУНА – 2010

Қадрли юртдошлар!

Хабарингиз борми, республикамизда жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб барча матбуот нашрларига келгуси йил учун обуна мавсуми бошланди.



"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимлари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳа, албатта, 2010 йил учун обуна палласи эндигина бошланди. Аммо бугунги ишни эртага қўйишдан не наф? Ҳеч иккиланмай **"HURRIYAT"**га обуна бўлинг-да, ўз яқинларингиз, дўсту биродарларингизни ҳам обуна бўлишга унданг!


Жамоа раҳбарларидан эса ўз ходимларини рағбатлантиришнинг энг мақбул йўлларидан бири — уларни газетамизга обуна этишда деб биламиз.

Сизнинг севимли нашрингизга бўлган меҳрингиз, эътиборингизни ҳамиша қадрлаймиз, азиз замондош!

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

ДУНЁ СИЁСАТИ

Нефть баҳоси ошадими?



Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар — ОПЕКка аъзо бўлган 11 мамлакатда июль ойида кунлик нефть қазиб олиш миқдори 26,035 миллион баррелни ташкил этди. Бу режадагидан 1,19 миллион баррелга кўпдир. Bloomberg хабарига қараганда, Бирлашган Араб Амирликларида қора олтин қазиб олиш кўпайган бўлса, Саудия Арабистони, Кувайт ва Қатарда камайган.

ОПЕК 2030 йилгача бўлган прогнозларни ҳам эълон қилди. Унда айтилишича, 2030 йилга бориб нефтга бўлган талаб 6,9 фоизга қисқаради ва кунлик талаб 105,6 миллион баррелни ташкил этади.

Нефть қазиб олиш миқдори ортиб бораётган бўлса-да, унинг баҳоси ҳам ошиб бормоқда. Эроннинг ОПЕКдаги вакили Муҳаммад Али Хатибининг таъкидлашича, шу йилнинг охирига келиб бир баррель нефть баҳоси 80 долларга етиши мумкин.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

МУЛОҲАЗА

Воқеликни борлигича ёзиш керак

*Айрим нашрларда республикамиз матбуоти тўғрисида берилаётган таҳлилий, воқеаларни ҳаққоний равишда акс эттирган мақолалар оммавий ахборот воситаларининг ривожланишига баъзи йиғилиш, семинар каби тадбирлардан кўра кўпроқ ҳисса қўшаяпти, десак муболаға бўлмайди. Масалан, **"Hurriyat"** газетасининг шу йил 7 январь, 4 февраль ва 1 апрель сонларида чоп этилган журналистлар Ёқубжон Хўжамбердиев, Камолиддин Мирзаахмедов ва Жўра Саъдуллаевларнинг мақолалари фикримизга далил бўла олади. Муаллифларнинг ошкора фикр-мулоҳазалар билан мунозарага киришишлари ёш журналистлар учун мактаб бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Шуни назарда тутиб биз ҳам баъзи фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.*

Маълумки, ҳозир газеталарнинг тури кўп. Кўпгина соҳалар ҳам ўз газетасини чиқаришаяпти. Газеталарни давлат, ижтимоий-сиёсий, сариқ матбуот ва хиёбон газеталарига бўлиш мумкин. Бизнингча сариқ матбуот бизда йўқ, ҳали шаклланмаган. Унинг вазифаси тезкорлик билан амалдорлар, порахўрлар, тўраларча муносабатда бўлаётган раҳбарларнинг кирдикорларини фош қилиб, можаролар келтириб чиқаришга мўлжалланган бўлади. Хиёбон газеталарини эса чет элларда ҳордиқ чиқариладиган хиёбонларда ўқишади. Бу турдаги газеталарни тижорат газеталари деб ҳам аташади. Бугунги кунда республикамизда энг кўп тиражда, янглишмасак, 624 номда тижорат газеталари чоп этилмоқда. Чунки фуқароларнинг бир хилда фикрламаслиги, яшаш тарзининг ҳам бир хилда эмаслиги нашрларнинг ранг-баранг бўлишини тақозо этади. Оммани-нг қайси ва қандай мазмундаги газеталарга обуна бўлишига, матбуот дўконларидан сотиб олишига қараб қандай дунёқарашга, фикрлашга ҳамда маънавиятга эга эканини аниқлаб олиш мумкин.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ



Меҳнат ярмаркаси:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи одамлар билан гавжум. Уларнинг кўпчилиги йигит-қизлар. Боғга кираверишдаги асосий майдон бўш иш ўринларига таклиф қилаётган кўплаб корхона ва ташкилотлар, мулкчилик шакли турлича бўлган фирма-ю, компанияларнинг эълонлари, йўлланма берувчиларнинг столстуллари билан банд. Иш қидириб келганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилганларида мутахассислар уларга тўлақонли жавоб қайтаради. Меҳнат ярмаркаси деб аталган ушбу тадбирнинг кўриниши шундай манзарани намоён этади.

— Сергели тиббиёт коллежининг ҳамширалик иши бўлимини тугатдим, — дейди Дилрабо Назархўжаева. — Коллежимизда бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилишини эълон қилишганди. Бугун бу ерга келиб, бирданига учта тиббиёт масканига йўлланма олдим. Энди йўлланмада кўрсатилган жойларга бориб, суҳбатдан ўтишим қолди. Синовдан муваффақиятли ўтсам, ўз мутахассислигим бўйича иш бошлайман.

— Мен яқинда II Тошкент юридик коллежини битирдим, — дейди Мирзааҳмад Мусомуҳаммедов. — 38-оилавий поликлиникада ҳуқуқшунослик ўрни бўш экан. Ўша ерга йўлланма олдим.

Ярмаркада кўплаб ёшларни суҳбатга тортдик. Уларнинг кайфияти яхши эди.

— Сиз-чи, қизим? — дейман кўзларида ним табассум бўлган истараси иссиққина қизга юзланиб. — Бирор ерга йўлланма олдингизми?

— Ҳа, албатта, — деди қиз ўзини Дилдора Йўлдошева деб таништираркан. — "Алким" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасига йўлланма олдим. Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежининг модельер-дизайнер бўлимини битирдим. Ёш мутахассис сифатида ишга таклиф этишаётганидан хурсандман.

Тошкент шаҳар прокуратураси пойтахт шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда уюштирган икки кунлик ярмаркада 28801 нафар пойтахтлик ёш иштирок этди. Шундан 16168 нафари турли лицей ва касб-ҳунар коллежларини битирган бўлса, 12633 нафари шаҳарнинг турли маҳаллаларида ўзига муносиб иш қидириб юрган йигит-қизлар эди. Тадбирда қатнашганлардан 14870 киши корхоналар томонидан таклиф этилган 21 мингдан зиёд бўш иш ўринларининг 14870 тасига йўлланмаларни олишди. Демак, яна 6 мингдан зиёд бўш иш ўринлари меҳнат қилишни истайдиганларни кутаяпти.

Матёкуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Ҳ.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2009 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органларининг вазифалари алоҳида Дастур асосида белгилаб олинди ва шу асосда прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш ишлари прокурор назоратининг доимий диққат марказида бўлди. Янги иш ўринлари яратиш, фуқароларни, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича қонун талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга устувор аҳамият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилганлиги қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлиғини сақлаш ҳамда шу каби бошқа ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонун бузилишларига йўл қўйилгани эътироф этилиб, бу соҳада назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйилаётган қонун бузилишларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш топширилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси, шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш, ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва қонуний фойдаланилиши, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қонунлар ижросини таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш таъкидланди.

Шунингдек, прокурорлар олдига тўлов интизомини мустаҳкамлаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, банклар ва накд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш талаб этилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан соҳадаги жиноятларни аниқлашда тезкор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид қилинди, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келингани таъкидланди. Шунга қарамасдан, республика бўйича айрим жиноят турлари ошган.

Мажлисда жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада кучайтириш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов олиб бориш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш борасида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, тергов сифатини ошириш, жиноятларни марказлашган ҳисобдан яшириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган топшириқлар берилди.

Мажлисда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судларда прокурор ваколатини таъминлаш аҳволи атрофлича кўриб чиқилди. Прокурорлар фаолияти судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига кўмаклашиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Кадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, шунингдек, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокурор томонидан вилоят прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ва тегишли тармоқ раҳбарлари олдига қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама якунларига кўра, прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Бош прокуратура
Матбуот хизмати.

ВОҚЕЛИКНИ БОРЛИГИЧА ЁЗИШ КЕРАК

(Бошланиши 1-бетда.)


Тан олишимиз керакки, ҳеч бир мамлакатда оммавий ахборот воситаларига ва журналистларга бўлган эътибор республикамиздагидек эмас. Соҳага оид қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси журналистлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, фаолиятлари йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга, ахборот технологияларини замонавийлаштиришга қаратилган. Фақат энди ҳаётни, ислоҳотлар жараёнида бўлаётган ҳолатларни борича ёзиш керак, холос. Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари олдига қўяётган талаби ҳам шу. Афсуски, ҳамма оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳам ана шу талабга яраша фаолият кўрсатаяпти деб бўлмайди.

Журналист Ёқубжон Хўжамбердиевнинг "Ҳуррият" газетасининг 7 январь сонидаги "Сиз ўзи кимсиз, жаноб журналист?" номли мақоласидаги: "...Журналистларимизнинг аксарияти ахборотни турли матбуот анжуманлари, йиғилишлар муносабати билан тайёрланган ҳисоботлардан олишади, холос. Ана шундай шароитда фақат бир манбанинг ташвиқотчисига айланиб қолмасликдан ўзини сақлайдиган журналист камдан-кам топилади..." деб ёзган сўзларига тўла қўшиламиз. Назаримизда, бу кўпроқ республикамизда нашр этилаётган ижтимоий-сиёсий газеталарда ишлаётган ходимлар фаолиятида кўпроқ учрайди. Чунки улар вилоят, туманлардан узоқда истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам марказий газеталарнинг айримларида жойларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, турли кўзбўямачилик, ҳукумат қарорларининг тўлақонли бажарилмаслиги, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзи, уларга иш ҳақларининг берилишидаги муаммолар, кредитлар бериш, банк, молия тизими фаолиятидаги салбий, ижобий ҳолатлар, ердан фойдаланишдаги нуқсонлар, табиатга бўлаётган муносабатлар чуқур таҳлиллар билан ёритилмайди.

Бунинг бирдан-бир сабаби маҳорат ва тажрибанинг етишмаслиги, иқтисодиётни, қишлоқ хўжалигини, иқтисодий таҳлилни чуқур билмасликдадир, деб ўйлаймиз. Масалан, пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириб, соф фойда олиш амри маҳол эканини иқтисодчи ҳам, оддий фермер ҳам ҳозир жуда яхши тушунади. Аммо газеталарда 28 центнердан пахта ҳосили етиштирган фермер хўжаликлари ҳақида ҳамду-саноллардан иборат мақолалар чоп этилаяпти. Газеталарнинг вилоятлардаги мухбирлари ҳам кўпроқ мақтов руҳидаги мақолалар ёзиш билан кифояланишади. Таҳририятга келган баъзи шикоятларни ўрганиш жараёнидаги ёзилган мақолалардан ташқари, чуқур таҳлилий, журналистнинг ўз позицияси, шахсий фикри билан конкрет вазифа қўйиб ёзиладиган мақолалар жуда кам. Давлат ва партия газеталарида босилаётган мақолаларни кузатган ўқувчи уларда босилаётган хабар, мақолаларнинг 40-42 фоизи бир хилда эканини англаши қийин эмас.

Туман газеталарининг журналистлари фермерлар фаолиятида юз бераётган жараёнларни, улар баъзан иш вақтларини кўпроқ йиғилишларда ўтказаётган ҳолатларни, айрим қарорларнинг қишлоқ ҳаётига сингмай, бажарилиши қийин бўлаётганини билишса ҳам юқори матбуотларга ёзишмайди. Сабаби уларда курашчанлик хислатлари етишмайди. Баъзи республика газеталарига тармоққа дахлдор вазирлик ҳамда идораларнинг 20 дан ортиғи муассислик қилаётгани ҳам қизиқ. Кишига шу тизим тараққиётига дахлдор бўлган барча идора ва вазирликлар ҳомийлик қилаётган бу газета мухбири шунча соҳа фаолиятида юз бераётган муаммоларни дадил ёза олармикин, деган ўй келиши турган гап.

Истеҳзо бирор масалага танқидий ёндашишнинг ажралмас қисми. Лекин у ихлосни қайтариши ҳам мумкин. Масалан, Норин туманида "Ёшлар йили"да "Ёшлар боғи" ташкил қилиниб, қаҳратон қишда — январь ойида минглаб туп арча кўчатлари экилди. Баҳорга келиб улар қуриди. Июль ойига келиб ҳавонинг 40 даража иссиғида яна минглаб туп арча кўчатлари қайтадан экилган. Сентябрь ойида қарашса кўчатлар яна қуриб, ўтинга айланиб қолган. Шу йил январь ойида яна музлаб турган ерни тешиб арча дарахтларининг илдизи тиқиштирилди. Бу ишларнинг тепасида турибу буйруқ бераётганлар ақлсиз эмас албатта. Улар июль ойининг жазирамаси ёки январь ойининг муз пайтида экилган кўчатларнинг кўкармаслигини яхши билишади. Хўш, унда гап нимада? Бу кўзбўямачиликми ёки... Юртбошимиз жорий йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами муносабати билан йўллаган байрам табригида қуйидаги сўзларни бежиз таъкидламади: "Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.



Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулоғидан тортиб отбога чиқарадиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч — бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистгина бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдикорларини очиб беришга қодир бўлади".

Матбуот дадил, жасоратли бўлмаса бундай нохуш воқеалар давом этиши шубҳасиз. Жиноятчиликнинг илдиз отиб бораверишига фақат матбуотгина тўсиқ бўла олади. Танқид, таҳлил, холислик, ошкоралик, ҳозиржавоблик, дадиллик журналистнинг қуроли бўлиши керак. Баъзи раҳбарларда юзага келаётган манманлик — ҳақиқат. Бундай ҳолатга қарши восита бу — танқидий фикр ва аччиқ бўлса-да, ҳақ сўздир. Афсуски, бундай руҳдаги мақолалар кўпинча суд, департамент, солиқ, ички ишлар каби идоралардан олинган ахборот ва маълумотлар асосидагина ёзилмоқда.

Аслида ҳаётда юз берган салбий иллатларга қарши фақат зиёли инсонгина кураша олади. Ҳақиқат сўзи зиёлининг қудратли қуроли бўлиб, ҳатто бир киши томонидан айтилганида ҳам каттагина қўшиндан ҳам кучлироқдир. Айтадилар-ку, тўғри сўз ёруғлик келтиради. У куч билан яралган ва бу кучни интеллектуалларгина эгаллаган. Журналистлар ана шундай интеллектуаллар сафида туришлари лозим.

Расулжон АБДУМАЖИДОВ,
Йўлдош ИСОҚЖОНОВ.



Пойтахтимиз юбилейига бағишланди

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда бир гуруҳ тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, ўқувчилар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар азим пойтахтимизнинг тобора кўркам қиёфа касб этиб, гўзаллашиб бораётгани, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг салоҳияти, жаҳонда тутган мавқеи ҳақида гапирдилар. Таниқли санъаткорлар ижросидаги Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик ҳамда муаззам пойтахтимизни тараннум этувчи қўшиқлар тадбирга ўзгача шукуҳ бахш этди. Тошкентнинг қадим ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида мактабгача таълим муассасалари ҳамда мусиқа мактабларида санъат йўналиши бўйича таҳсил олаётган иқтидорли ўқувчилар ижро этган куй-қўшиқлар йиғилганларни жуда хушнуд этди.

Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Риштон кулолчилигига — жаҳон эътирофи

Риштон бадиий кулолчилик корхонасида бош мусаввир Рустамжон Усмонов бошчилигида оилавий кулоллар гуруҳи фаолият юритмоқда. Ота-бола Маҳмуджон, Ваҳобжон ва Одилжон Халиловлар қўлидан чиқаётган юзлаб турдаги коса-товоқлар, совғабоп сопол маҳсулотлар ўз сифати ҳамда бадиий жилолари билан кўзни қувонтиради. Айниқса, водийга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар бу буюмларни зўр қизиқиш билан харид этмоқда.

Оилавий кулолнинг уй-музейида сақланаётган эсдалик дафтардан АҚШ, Англия, Франция, Германия, Испания, Швеция, Янги Зеландия, Австрия каби мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳларнинг ҳаяжон билан ёзиб қолдирган қайдларини ўқиш мумкин. Оилавий кулоллар гуруҳи эндиликда хорижий фирмалар билан ўз маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича шартномалар тузмоқда.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Талтайтирса отаси...

Ота-оналар автомашина рулини фарзандларига тутқазаётганларида кўча ва йўлларда турли бахтсиз ҳодисаларга сабабчи бўлмасмикан, дея ўйлаб кўришлари даркор.

Яқинда Урганч автомобиль йўллари коллежи талабаси Сардор Абдуллаев отаси Абдулла Нуруллаев номида бўлган "Нексия"ни Урганч-Хонқа-Ҳазорасп автомобиль йўлида бошқариб бораётиб, 2-синф ўқувчисини уриб юборган. Бола воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

— Бундай кўнгилсизликларнинг рўй бермаслиги учун барча йўловчи ташиш уюшмаларида, муқобил машина трактор паркларида, корхона ва ташкилотларда суҳбатлар ўтказаяпмиз, тегишли тавсиялар, йўл-йўриқлар бераяпмиз, — дейди Хонқа туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори, милиция сержанти Қаҳрамон Дурумов.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Бойсунда иш ўринлари кўпаймоқда

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида воҳанинг барча туманларида меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, айниқса, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Яқинда ана шундай меҳнат ярмаркаси Бойсун туманида ўтказилди.

— Келгусида гўшт маҳсулотларини қайта ишловчи цех, ғишт заводи, мевани қайта ишлаш мини заводлари қуриш мўлжалланган, — дейди туман ҳокими П.Тангриев. — Ушбу корхоналар фойдаланишга топширилгунча мавжуд ички имкониятларни ўрганаяпмиз. Жумладан, бугунги ярмаркада кўпгина фирма ва корхоналар, фермер хўжаликлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, янгидан ташкил этган иш ўринлари билан иштирок этиши коллежлар битирувчилари — ёш мутахассисларга маъқул келишига шубҳа йўқ.

Меҳнат ярмаркасида тумандаги 72 та корхона, муассаса ва фермер хўжаликлари 272 та иш ўрни билан иштирок этди. Тадбирга ташриф буюрган 120 нафар кишининг 84 нафари доимий иш ўрни билан таъминланган бўлса, уларнинг 41 нафари айнан касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Шунингдек, 36 нафар ёш йигит-қизга турли даражадаги маслаҳат ва кўрсатмалар берилди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Светофор ўрнатилса...


Чимбой туманидаги автошоҳбекат ёнида жойлашган мактабнинг атрофига светофор ўрнатилмаган. Шу боисдан ўқитувчиларнинг ўзлари кичик ёшдаги ўқувчиларни катта йўлдан ўтказишиб юборишга мажбур бўлишмоқда. Мактаб ёнида "Нукус — Тахтакўпир" йўналишидаги катта йўл ва автошоҳбекатдан "Қўнғирот — Чимбой" шаҳарлараро йўловчи поездига олиб борадиган кўча бор. Шу боисдан ҳам бу ерда светофор ўрнатиш зарур. Сабаби машиналар тобора кўпайиб бораётгани боис йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш зарурати ошиб бораверади. Светофорлар бўлмаган жойда эса эртами-кечми йўл ҳаракати қоидалари бузилишига шубҳа йўқ.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЗАМОНДОШ

ЙЎЛДОШ ОТАНИНГ ШУКРОНАСИ

“Инсон яралганидан бери фақат бир нарса — эркинлик учун курашади. Эркинлик — мустақиллик дегани. Фақат мустақиллик одамга ҳақиқий бахт-саодат, хотиржамлик, ўзини тўла намоён этиш имкониятини беради. Агар инсонга ҳамма нарсани муҳайё этиб, эркини олиб қўйсангиз, у барибир бахтли бўлолмайди, дунёдан армон билан ўтади. Шўролар даврида ота-боболаримиз шундай армон билан ўтиб кетдилар”.



Бизга шу гапларни домламиз Йўлдош Тожибоев айтган. Ҳозир у киши саксонга яқинлашиб қолди. Шунинг учун ота деймиз. Ота билан бир қишлоқда яшайман. Қибрайнинг “Узумзор” маҳалласида энг обрўли отахон ким десангиз, “Йўлдош ота-да”дейишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонини олган. Кўп йиллар 35-мактабда директор, туман халқ бўлимида мудир ўринбосари бўлиб меҳнат қилди.

Йўлдош ота айтадилар:

— Қарийб саксон йил яшадим. Шунинг олтмиш йили шўролар даврида ўтди. Бу тузумнинг қандай эканлиги менга беш қўлдек аён. У ёғини сўрасангиз эллик йилдан ортиқ ўқитувчилик қилдим. Бир неча методик ва ўқув қўлланмалар ёздим. Султон Акбарий, Пўлат Мўмин каби шоир ва адиблар билан ҳам ҳамнафас бўлганман. Раҳматли Азиз Абдуразоқ билан-ку қадрдон эдик, борди-келди қилардик. 1991 йилнинг 31 августи ҳали-ҳали эсимда. Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ислом Каримов жасорат билан давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу куни Олий Кенгаш моддама-модда муҳокамадан сўнг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонунни қабул қилди. Бу хабарни эшитганимиздан кейинги ҳис-ҳаяжонимизни, қувончимизни кўрсангиз эди. Таърифлашга тил ожиз. Кўнгиллар бир қалқидики. “Наҳотки ана шундай ёруғ кунга етиб келдик?!” деб ўз-ўзимизга савол берамиз, энтикамиз, кўзимизга ёш келади, дил ҳапқириб кетади. Ишонасизми, шунда биринчи марта қўлимга қалам олиб шеър ёзишга тушдим, кўнглимни бўшатгим келди-да.

Кўнгилларда бугун ҳуррият,
Рўёб бўлди асрий бир ният,
Нондек азиз, тансиқ қадрият —
Истиқлолинг муборак, юртим!

Тўғри, бу сатрлар бугун кимгадир жўн туюлиши мумкин. Аммо чин дилдан чиққан эди.

Шу-шу ота қаламини қўймайди. Истиқлолни, мустақиллик келтирган бахт-саодатни куйлайди. Эски тузум билан янги даврни қиёслайди. Ҳамма жойда мустақиллик тенгсиз иноят эканини уқтиради. Кимда-ким ёзғирса, панд-насиҳат қилади, тушунтиради, гап уқмасларни койийди. Ёзган шеърларини таҳририятларга тиқиштирмайди, кўкрак кермайди. “Бизники ҳаваскорлик-да” деб қўя қолади. Камтаринлик кишининг энг олий рутбаси деганлари шу бўлса керак-да.

Самога интилиб изламадим бахт,
Заминга эгилдим, топдим насибам.
Ватан экан чаман, мен-чи,
бир дарахт,
Шундандир илҳомим.
Шундан қасидам.

Ота ёзаверади. Ёзганларини жамлади. “Юрагимга яқин одамлар”, “Ҳаётим ҳикматлари” номли катта-кичик китоблари нашр этилди.

Ота хазинанинг ўзи, суҳбатлашган киши маза қилади. Қадимий ривоятларни, мақол ва маталларни кўп билади. Ёзганларида ҳам шулардан фойдаланишга интилади. Айниқса, иймон ҳақидаги гаплари менга маъқул тушди.

“Иймон — маънавиятнинг устуни, болам. Бу устун қуласа, киши ҳидоят йўлидан адашади. Иймони суст одам ҳар қандай йўлга кириб кетаверади. Иймонсиз учун муқаддас тушунча йўқ. Вақти келса, хиёнат йўлига киришдан ҳам тоймайди. Иймонга собитлик — Ватанга садоқатдир”.

Домла саксонни кўзлаб турган бўлса-да, тиниб-тинчимайди. Республика халқ таълими фахрийлари кенгашининг аъзоси сифатида халқ таълимидаги ислоҳотларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Маҳаллада-ку бирор тўй-маъракa отанинг иштирокисиз ўтмайди. Икки ўғли Дурбек ва Нурбекни ёнига олиб фермер хўжалиги тузган. Ҳовлисининг этаги узумзор. Мен устозни шу узумзордан топдим. Анча гаплашдик. Суҳбатимиз мавзуси мустақилликка бағишлангани учун у кишидан кўп гапларни ёзиб олдим. Англаганим шу бўлдики, истиқлол биз учун энг улуғ, энг қадрли неъмат экан. Ота ҳар гапида шукрона айтади. Минг қатла шукурки, халқимизнинг узоқ йиллик тилаклари мустажоб бўлди, дейди.

Ҳа, истиқлол қандай неъмат эканини туйган фуқаро борки, бугун кўксини тўлдириб эрк ҳавосини симирмоқда. Ахир, биз бу кунни озмунча кутган эдикми? Узоқ йиллар ўзимизни ўзимиз озодмиз, ҳурмиз, деб алдаб келдик. Бойликларимизнинг талон-торож бўлишига, миллий қадриятларимизнинг топталишига йўл қўйдик. Маъмуриятчилик, тўрачилик тинка-мадоримизни қуритди. Дон етиштириб нонга, пахта етиштириб читга ёлчимаганимизни айтмай қўя қолай. Бугун озодмиз, ҳурмиз, ўктаммиз. Ўз қадр-қимматимизни биламиз. Гуруримиз ўзимизга яраша. Дунё ҳавас қиларлик тарихимиз, халқимиз, юртимиз, шонимиз бор. Бу ҳақда айтишнинг, куйлашнинг ўзи бахт.

Гулшода ҚУРБОНОВА

ХАТ

Судга қачонгача қатнаймиз?

Ўзим уч нафар фарзанднинг онасиман. Касбим ўқитувчи. 2004 йили турмуш ўртоғим Баҳодир Джабборов Чирчиқ кимё заводига ишга кирмоқчи бўлганида емай-ичмай оилада йиққан пулимизга Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрининг 3-кичик даҳасидаги 57-уй 37-хонадонни (3 хонали) сотиб олган эдик. Лекин вазият тақозосига кўра, у ерда яшамай яна асосий турар-жойимиз — Сурхондарёга қайтиб кетдик.

Хонадон бўш турган эди. Савоби тегар деган ниятда турмушидан ажраб қийналган Зулхумор Эргашевага вақтинчалик яшаб туриши учун розилик бердик. Аммо катта хатоликка йўл қўйган эканмиз. Энди уни уйдан чиқаролмай оворамиз.

Турмуш ўртоғим бир неча бор уйни бўшатишни талаб қилиб борганда хонадонимизнинг “эгаси” бир нечта номаълум эркаклар билан дўқ-пўписа қилиб, бўшатмаслигини, агар ҳақини талаб қилаверса эримни ўлдириб, Чирчиқ дарёсига ташлаб юборишларини айтибди. Буни тасдиқловчи гувоҳлар ҳам бор.

Бошқа бирор чорамиз қолмаганидан Чирчиқ туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Аммо маҳалла нозирлари ҳам З.Эргашевани судга олиб келишнинг иложини қила олишмади. Суд 2008 йил 25 декабрь куни бизнинг фойдамизга ҳал қилув қарорини чиқариб берди. Муаммо шу билан барҳам топди, деб хурсанд бўлгандик, лекин чучварани хом санаган эканмиз. Зулхумор Эргашева уйдан чиқиб кетишни парвойига ҳам келтирмади. Қарор ижроси ҳадеганда амалга оширилавермагач, яна судга — бизнинг ишни кўрган судья Гўзал Турсунметованинг қабулига келдик. Судья билан учрашишнинг иложи бўлмади. Сўроғимизга ўша ердагилар судья Г.Турсунметова ҳам, сизнинг ишингиз юзасидан олиб борилаётган ҳужжатлар ҳам йўқ, деб жавоб беришди. Энди нима қилишни, кимга мурожаат қилишни билмай ҳайрон-у, лолмиз. Наҳотки, бировга яхшилик қиламан деб, ўз уйимиздан ажраб қолаверсак?

Ирисхол НУРМАНОВА
Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани
Навоий кўчаси 27-уйда истиқомат қилувчи.

Жиззах вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси жамоаси

Яқинлашиб келаётган Қурувчилар куни муносабати билан ўзининг ҳамкорларини, юртимизнинг турли ҳудудларида бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча қурувчиларни қутлуғ касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.




Азиз қурувчилар!
Сиз азизларга машаққатли ва залворли ишларингизда омадлар тилаймиз. Тан-сиҳатлик, хотиржамлик, оилавий ишларингизга фаровонлик, ўзингизга эса доимо куч-қувват ёр бўлсин.

БУНЁДКОРЛИК

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД БИНОЛАРИ

Мамлакатимиз ҳурликка эришганига 18 йил бўлаяпти. Бу тарих олдида жуда қисқа давр. Аммо ўтган шу йиллар юртимиз ҳаётида чиндан ҳам янгиланиш, ўсиш-улғайиш йиллари бўлди. Замонавий мактаблар, бири-биридан кўркам касб-ҳунар коллежлари, шифохоналар, маҳалла гузарлари... Булар мустақиллик иншоотлари. Улар халққа хизмат қилаяпти.



Бундай ишларни Сурхондарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, ҳозир воҳада иккита янги мактаб биноси қурилаяпти. Билим масканларидан 69 таси тубдан реконструкция қилинаяпти, 82 таси капитал, 44 таси жорий таъмирланаяпти, 17 та касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей барпо этилмоқда. Бундан ташқари элликдан ортиқ маданий-маиший ва маъмурий биноларни барпо этишга ҳам астойдил киришилган. Бундай яратувчанлик ишларида “Термизсантехгазмонтаж” хусусий корхонасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Корхона бунёдкорларининг ўтган йиллар мобайнида олиб борган хайрли ишлари диққатга сазовор.

Вилоят марказидаги тубдан таъмирланаётган, янгидан бунёд этилаётган таълим масканларининг шаҳарга кўрк беришида “Сантехгазмонтаж” хусусий корхонаси қурувчиларининг хизматлари беқиёс. Улар ўтган йили Термизда иккита умумтаълим мактабини тубдан таъмирлади. Шаҳарга кираверишда салобат тўкиб турган академик лицейнинг кўркам биноси ҳам мазкур жамоа азаматлари фидокорона меҳнатининг самарасидир.

Ҳозир Термиз давлат университетининг янги биносини барпо этишда ҳам хусусий корхона қурувчилари фидойилик кўрсатишаяпти. Бино уч корпусдан иборат. Унинг лойиҳа қиймати олти миллиард саккиз юз ўттиз саккиз миллион сўмни ташкил этади. Бу юмушга ўн икки бригадага бирлашган икки юз эллик нафар қўли гул касб эгалари жалб этилган. Бош ўқув биноси билан бир қаторда тарих, педагогика факультетлари жойлашадиган А,Б,В блокларда қурилиш, пардозлаш ишлари охирига етай, деб қолди. Унда Шопўлат Тангриқулов, Йўлдош Раҳмонов, Иброҳим Каримов бошлиқ қурувчилар меҳнат қилмоқдалар.

— Режадаги ишлар кўлами кенг. Лекин бизда бунга масъулият юқори — дейди корхона раҳбари Бойназар Эломонов. — Объектга ўтган йилнинг декабрь ойида пойдевор қўйган эдик. Мана, бугун ажойиб бир қошона қад кўтарилаяпти. Ўзининг ташқи кўриниши билан юртимиздаги бошқа олий ўқув юртлари биноларидан бутунлай фарқ қилади.

Бойсун туманининг “Чорчинор”, Юсуф Қодиров номли, Нормамат Аъзамов номли, “Тангимуш”, “Даҳанаи-жон”, “Бибиширин”, “Инқабод” маҳаллаларида бўлганимизда 4-, 47-, 52-, 26-, 55-, 27-сонли умумтаълим мактаблари биносини тубдан қайта таъмирлаш ишлари намунали ташкил этилганининг гувоҳи бўлдик.

— Мактаб биноси ниҳоятда мустаҳкам қурилди, — дейди биз билан суҳбатда “Мўмин” кичик корхонаси раҳбари Беҳзод Қодиров. — Тадбиркор Баҳриддин Рашидов сифатли ғишт билан таъминлади. Конструкцияларни эса Сариосиё темир бетон комбинатидан олдик. Қишлоқларда мактаб қуришда катта тажриба тўпланганмиз. Ўтган йили Омонхона қишлоғида худди шундай билим масканини барпо этган эдик.

— Биз бинокорлардан беҳад хурсандмиз, — дейди 26 - умумтаълим мактаби директори Ўрол Хуррамов. — Қишлоғимиз ёшлари пахсадан қурилган кўримсиз бинода билим олишарди. Энди эса замонавий мактабга эга бўлдик. Бу қишлоққа ҳам ўзгача кўрк бағишлади. Ўқувчиларимиз янги ўқув йилини янги бинода янгича иштиёқ билан бошлашларини кўз олдимга келтирсам, қувончим ичимга сиғмайди.

Дарҳақиқат, Сурхон воҳасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мустақиллик берган неъматнинг бир қисми холос. Сариосиё, Денов, Узун, Қизириқ, Шеробод, Ангор, Музрабод, Шўрчи ҳамда Термиз туманларида барпо этилаётган кўркам бинолар шаҳар ва қишлоқларнинг обод, файзли гўшаларга айланишига хизмат қилмоқда.

Омон ШУКУРОВ ®

ТЎРТИНЧИ ХОКИМИЯТ

НОШИРЛИК

«O'zbekiston»:

ЮТУҚЛАР КЎЛАМИ КЎПАЙМОҚДА

Китоб — билим ва маданиятнинг бебаҳо чашмаси. Барча яхши фазилатлар инсонга аввало китоблардан кўчади. Ўқувчи янги асар билан танишар экан, даставвал унинг безалишига, мазмунан бойлигига эътибор беради. Китобларни юқори дид билан нашр этишга тайёрлаш, замонавий дизайн асосида безаш, қисқаси, ҳарф теришдан бошлаб, рангли саҳифалари-ю, муқовасининг киши кўнглига ёқадиган даражада бўлишига эришиш нашир ва матбаачиларнинг нечоғли маҳорат соҳиблари эканини белгилайди.



Юртимизда китоб нашр этиш санъати ўзининг азалий анъаналарига эга. Қадимдаги хаттот ва китоб безовчилар кўҳна қўлёзма асарларни хонлар кутубхонасида қайта-қайта кўчириб, нашрларини кўпайтирган бўлса, бундан бир неча асрлар муқаддам Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Умар Хайём, Ибн Синоларнинг таниқли асарлари ҳам чиройли безаклар билан китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Булар ҳанузгача Шарқ китоб нашр этиш санъатининг бебаҳо намуналаридан ҳисобланади.



Бугунги ноширчиликнинг масъулияти хусусида гап борар экан, «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйининг ўзига хос тажрибаси ҳақида ҳикоя қилса арзийди. Бу ерда чоп этилган китоблар айниқса, дарсликлар кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Бу нашрларни ота-боболаримиз, улардан сўнг биз — бугунги ёш авлод ҳам мутолаа қилиб келмоқдамиз. Кейинги йиллар ичида «O'zbekiston» НМИУ номи билан «Ўзбекистон: мустақил тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: ислом обидалари», «Навоий — саҳро бағридаги мўъжиза шаҳар», «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси» каби рангли альбомлар, Абдураззоқ Самарқандийнинг темурийлар даврига оид энг муҳим манбалардан бири бўлган «Матлаи Саъдайн ва Мажмаи баҳрайн» (икки жилддан иборат), машҳур араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг «Ал-комил Фи-т-тарих» каби тарихий асарлари, Наим Каримовнинг «XX аср адабиёти манзаралари», Пиримқул Қодировнинг «Амир Темур сиймоси», Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди» каби тарихий асарлари чоп этилиб, ўқувчиларга ҳавола этилгани қалбимизга чексиз қувонч бағишлайди.

Биз матбаа уйи ижодий ходимлари фаолияти билан танишарканмиз, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг танланган асарларининг 17-жилди ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган рангли альбомлар устида қизғин ижодий жараён бораётганига гувоҳ бўлдик.

— Янги чоп этилган китобни қўлга олганимда, беихтиёр тандирдан ҳозиргина узилган иссиқ нон тафтини сезаман. Китоб ҳам инсон учун ана шу нондай азиз ва қадрлидир, — дейди нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажонов. — Матбаачи бўлиб шаклланишимда китобнинг ўрни беқиёс. Болалигимдаёқ китобга бўлган чексиз меҳрим туфайли ана шу касбни танлаганман. Ўрта Осиёдаги илк матбаа корхонаси — Тошкентдаги биринчи босмахонада оддий шогирдликдан улкан корхонага раҳбар бўлишдек ўта масъулиятли лавозимгача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтдим. Бу йўлларни эслаш ҳам фахрли, ҳам унутилмас.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу замонавий матбаа жамоаси ҳаётимда, иш фаолиятимда алоҳида саҳифа очган. Корхона қайта ташкил бўлганидан кейин бир қатор муваффақиятларга эришдик. Топилган маблағ ҳисобига ишхонамиз замонавий ноширчилик ва матбаачилик технологияси билан таъминланди. Натижада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, бугунига доир китоб ҳамда рисолалар, олий, ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун дарслик, ўқув қўлланмалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари учун ўзбек ва қардош тиллардаги дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари, мактабгача ёшдаги болалар учун қизиқарли эртаклар, бадиий ҳамда қўшимча ўқув адабиётлари, турли мавзулардаги рангли альбомларни нашр этиб келмоқдамиз.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёдаги йирик ижтимоий-сиёсий нашриёт бўлиб, унинг ноширлик қисми тўрт таҳририятдан иборат. Уларда элликка яқин малакали ношир ва техник ходимлар самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Матбаачилик қисмида эса кечаю-кундуз иш тўхтамайди. Газета чоп этиш, офсет босма, муқовалаш ҳамда тезкор босма цехларида 700 дан зиёд ишчи фаолият кўрсатади. Соҳа фидойиларининг тажрибасини ўзлаштириш мақсадида нашриётда устоз-шогирд анъаналари яхши йўлга қўйилган.

Нашриёт уйининг иш фаолияти асарларни синчковлик билан танлашдан бошланади. Кўҳна қўлёзмаларни нашрга тайёрлаш жараёнини кузатарканмиз, таҳририят муҳаррирларидан тортиб мусаҳҳиҳларигача бебаҳо маънавий бойлик яратган муаллиф ва рассомларнинг ижодига катта ҳурмат билан ёндашиши бизни қувонтирди. Китоб шаклига келтириш мураккаб бўлган бундай қимматли асарларни чоп этиш ноширлардан пухта билим, катта тажрибани талаб этади, албатта. Матбаачилар жамоаси эса янги босма дастгоҳлар ёрдамида ҳар бир маҳсулотни янада сифатли, замон талабларига жавоб бера оладиган даражада чоп этишга эришишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Нашриёт ходимлари биргина ўтган йилнинг ўзида умумтаълим мактаблари учун етти тилда, 77 номда 2 миллион 737 минг нусхада дарсликларни чоп этгани алоҳида эътирофга лойиқ. Босмахонада бундан олти йил муқаддам фойдаланишга топширилган газета чоп этиш цехида республикамиздаги «Жамият», «XXI аср», «Соғлом авлод», «Постда», «На посту», «Ватанпарвар», «Тонг юлдузи», «Класс», «Зеркало XXI», «Тасвир», «Гулхан», «Ғунча» сингари 40 дан ортиқ газета ва журналлар ҳам босилаяпти.

Ҳозир бу ерда чоп этилаётган «Ўзбек амалий санъати» рангли альбоми муштарийларга, айниқса, хорижлик сайёҳ ва меҳмонларга ҳақиқий совға бўлади, десак муболағага йўйманг. Нашриёт матбаа ижодий уйида илгари хорижнинг энг кўзга кўринган матбаа корхоналарида валюта ҳисобига чоп этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» журналининг босилиши ҳам жамоа ишининг сифатлилигидан далолат беради.

Яқин кунларда китобхонларга тақдим этилган Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим», Сирожиддин Саййиднинг «Дил фасли», Маҳмуд Тоирнинг «Уч достон», Муҳаммад Юсуфнинг «Халқ бўл, элим» номли шеърий китоблари, Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик», Асад Дилмуроднинг «Мезон буржи», Раҳим Отаулининг «Тилсим» романлари китоб жавонимиздан муносиб ўрин олишига ишонамиз.

— Кўп йиллардан буён Москва шаҳрида «МДҲ мамлакатларининг китобат санъати» анъанавий халқаро танловининг ўтказилиши ишимизнинг ривожи ва сифатига яхши таъсир кўрсатмоқда, — дейди нашриёт матбаа уйи бош муҳаррири Ибодулла Шоймардонов. — Ҳамдўстлик мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз қатори биз — ўзбекистонлик ноширлар ҳам бир неча йилдан буён ўз маҳсулотларимиз билан ана шу танловда фаол қатнашиб келмоқдамиз. Тадбир баҳона ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиб бораяпмиз. Ўтган йили Японiядан рақамли технологиянинг келтирилиши ишимизнинг сифатига ҳам, кўламига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Катта маблағни тежаш имкониятига эга бўлдик. Бундан ташқари маҳсулотларимизнинг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиши таъминланмоқда. Мисол учун кейинги икки йилда кўпгина китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларимизни Россия ва Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилдик. Хорижда бўлиб ўтаётган тендер беллашувларида қатнашмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бундай тендерлар ноширлар ўртасида ўзига хос рақобатни юзага келтиргани билан аҳамиятлидир. Танловда юқори баҳоланган «Ўзбекистон: мустақиллик тараққиёт йўли», «Замонавий Ўзбекистон миниатюраси» ва «Тошкент — ислом маданияти гавҳари» сингари китоб-альбомлар ана шу соғлом рақобатнинг меваси сифатида дунёга келган бўлса, не ажаб.

Аммо баъзан китоб дўконларига кирганимизда чиройли безакли китоблар қаторида дидсиз, савияси саёз тайёрланган нашрлар ҳам учраб туради. Бундай пала-партиш тайёрланган асарлар ўқувчилар эътиборини ўзига тортмаслиги табиий.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоасининг ҳар бир китобни юқори савияда, юксак талабларга жавоб бера оладиган қилиб тайёрлашида қўлёзмалар таҳриридан тортиб безалиши ва чоп этилишигача бўлган жараёнга катта талабчанлик билан ёндашиши бизни қувонтирди.

Йирик жамоа фаолияти билан танишиш бизни ҳаёт шамчироғи бўлган беназир китобларнинг сеҳрли оламига олиб кирди. Халқимизнинг уларни ўқиб-ўрганиши, тафаккурини бойитиши ва маънавий юксалишида беқиёс ҳисса қўшиб келаётган ноширларнинг келгусида ҳам сермазмун матбаа маҳсулотларини ўқувчиларга тақдим этишдаги машаққатли ишларида куч-ғайрат тиладик.

Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ЭҲТИРОМ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ортиқча елиб-югуриш ва бақириқ-чақириқларсиз, жимгина ўз юмушларини бажаради. Улар сиртдан қараганда ниҳоятда сокин, хотиржам кўринади, аммо бирга ишласангиз, у ёки бу топшириқни биргаликда бажарсангиз, бундай инсонлар катта салоҳият, билим ва малака соҳиби эканликларини ҳис қиласиз. Баъзан мутлақо иложсиз кўринган вазиятларда ҳам муаммога оқилона ечим топиб, вазифани уддалаб кетишларига гувоҳ бўласиз.



Умрини эзгуликка бағишлаган инсон

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг ижтимоий-сиёсий бўлими муҳаррири Жўра Саъдуллаев ана шундай ўз касбининг устаси, кенг фикрли ижодкор. Журналистлар орасида масалани бу кишичалик аниқ ва чуқур идрок этиб, очиб бера оладиганлар кам, деб ўйлайман. Айтайлик, унчалик оддий бўлмаган бугунги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий янгиланиш босқичида сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли, депутатлар фаолиятини ёритиш кўпчилик ижодкорлар учун муайян мураккаблик туғдириши сир эмас. Лекин "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока", "Ҳуррият", "Ишонч" газеталари ва бошқа матбуот нашрларининг мустақиллик йилларидаги тахламларини варақласангиз, бу ижодкорнинг уларда жамият ҳаётининг ниҳоятда мураккаб пайтларида амалга оширган ташкилотчилик ишлари, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш, дам олдириш ва соғломлаштиришга доир янги тажриба ҳамда муаммоларга бағишланган кўплаб мақолаларини ўқийсиз. Улар мавзу атрофлича очиб берилгани, энг муҳими, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ниҳоятда нозик, "кўз илғамас" жиҳатлари моҳирлик билан ёритилгани, ифодаларнинг ўринлилиги ва аниқлиги билан ажралиб туради. Ижодкорнинг "Биз қандай етакчиларга муштоқмиз?", "Раҳбар маънавияти ва маънавий муҳит", "Олисни кўзлаб ишлаган маъқул", "Давлат хизматчиси" сингари публицистик мақолалари шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, мулк хилма-хиллиги, мулкдорлар синфи шаклланаётган бир шароитда касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикчилик тамойили сингиб бораётган, битим ва жамоа шартномалари алоҳида ҳуқуқий аҳамият касб этаётган даврда бу ниҳоятда муҳим эди.

Жўра Саъдуллаевнинг касаба уюшмалари фаолиятини ёритиш борасидаги маҳоратига ҳам кўп марта гувоҳ бўлганман. Ижодкорнинг ташаббуси ва "Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририяти билан пойтахт вилоят кенгаши келишуви асосида газетада "Касаба уюшмалари ва давр" саҳифаси ташкил этилди. У ҳар ойда чоп этила бошланди.

Ҳар ойда чиқиб турган бу саҳифаларга мунтазам равишда долзарб мавзу топиш муаммо эди, албатта. Лекин Жўра Саъдуллаев ижодий режалари асосида бу ўз-ўзидан ҳал бўларди. Ҳозиргача "Тошкент ҳақиқати" газетасида 36 та "Касаба уюшмалари ва давр" саҳифаси чоп этилди. Уларнинг ҳеч бири илгаригисини такрорламайди, мавзуни ёритишга янгича ёндашув яққол сезилиб туради. Айниқса, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва "Олмалиқ кон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти, "Махам Чирчиқ" қўшма корхонаси, "Ўзбеккимёмаш" касаба қўмиталари фаолиятига, санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, меҳнат муҳофазасига бағишланган саҳифалар ўқишлилиги билан ажралиб турибди.

Жўра Саъдуллаев журналистик фаолиятини туман газетасида адабий ходимликдан бошлаб, 1965-1970 йиллари муҳаррир бўлган. 1970-1974 йиллари республика ёшлар газетасида бўлим мудири, 1974-88 йиллари "Ўзбекистон овози" ("Совет Ўзбекистони") газетасида катта мухбир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари бўлган. 1988-1990 йиллари "Муштум" журналининг бош муҳаррири, кейинчалик "Қишлоқ ҳаёти", "Халқ сўзи" газеталари таҳририятида ишлаган. 2001 йилдан буён "Тошкент ҳақиқати" газетасида бўлим муҳаррири. Ижодкор жамиятда кечаётган туб янгиланиш жараёнларини, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмунмоҳияти, янги авлод тарбияси, иқтисодиётни ривожлантириш, она-Ватанга садоқат, халқимизнинг азалий қадриятларини ардоқлаш ва бойитиш масалаларини ёритишда фаол қатнашмоқда. Унинг мунтазам эълон қилинаётган очерклари, таҳлилий мақолалари, фельетонлари ҳамиша алоҳида қизиқиш билан ўқилади.

Жўра Саъдуллаев кадрлар малакасини ошириш, давлат хизматчилари ва жамоат ташкилотлари етакчиларида топширилган иш учун масъулият туйғусини кучайтириш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қонунчилик асосида ривожлантириш, жамиятда ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтириш мавзуларида малакали қалам тебратиб келмоқда. Янги инсон тарбияси ижодкор фаолиятида етакчи мавзу бўлиб, уни ҳар жиҳатдан ёритиш билан изчил шуғулланмоқда. Ижодкор жамиятда кечаётган жараёнларни синчковлик билан кузатади ва уларга фаол журналистик позицияларда туриб муносабат билдиради. Айрим бошқарув идоралари, хўжалик ва жамоат ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар-у, нуқсонларни, қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларини сезгирлик билан илғаб, ўз мақолаларида долзарб муаммо ва масалалар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр юритади.

Ижодкорнинг таклифи билан газета саҳифаларидан "Шанба фельетони" рукни муқим ўрин олди. Унинг "Асом Ғаданг нима дейди?" туркумида ёзилган фельетонларида бугунги кунда адамларимизнинг хатти-ҳаракатлари, баъзи идоралар фаолиятидаги қусурлар кенг очиб берилаётир. Ж.Саъдуллаев кейинги йилларда эълон қилинган очерклари, публицистик мақолалари ва фельетонларини тўплаб, "Замондош қалби" (2005) публицистик китоби ва "Асом Ғаданг нима дейди?" (2007) фельетонлар тўпламини эълон қилди. "Тошкент ҳақиқати" газетаси тарихи, унинг ижодий лабораториясини ўрганиш асосида "Давр кўзгуси" китобини ёзди.

Устознинг ёши улғайган сари қалами ўткирлашиб бормоқда. "Умрини нимага бағишлашни билмаган одам... бахтсиз одам", деб ёзади файласуфлардан бири. Жўра ака эса умрини, ижодий имкониятларини нимага сарфлашни жуда яхши биладиган қалам соҳибидир.

Эътиборхон РАҲМОНОВА

ТАДБИР

ЎзЭОАВМА: ҲАМКОРЛИК МАЗМУННИ БОЙИТАДИ

Яқинда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан 2009 йилга мўлжалланган ривожланиш дастурининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ҳудудий телерадиостанциялар раҳбарлари, бош муҳаррирлари иштирок этишди.

Тадбирда халқимиз маънавиятини юксалтиришга қаратилган ахборот дастурларининг мавзу қамровини янада кенгайтириш, кўрсатув тайёрлашда кўтарилаётган масалага чуқур таҳлилий ёндашувни таъминлаш, кадрларнинг касбий салоҳияти ва маҳоратини оширишга оид маърузалар тингланди. Хусусан, Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов ўз маърузасида ҳудудий телерадиостанцияларда миллий маънавиятимизни юксалтиришга, халқимизнинг турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган кўринишларга қарши кўрсатувлар тайёрлаш хусусидаги таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, нодавлат телерадиостанцияларнинг эфир дастурларида мусиқа ва қўшиқлар мазмунини ошириш мақсадида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ЎзНТТда "Бадиий-мусиқий дастурлар таҳририяти" фаолият юритаётганини айни муддао бўлганини таъкидлади. Ўтган олти ой давомида ушбу бадиий кенгаш томонидан 117 нафар хонанданинг 235 дан ортиқ қўшиқларига ишланган видеоклиплар кўриб чиқилган бўлса, шулардан 137 таси маъқулланган ва эфирга узатишга тавсия этилган. Қолган 98 та қўшиқ эса ойнаи жаҳон орқали намойиш этишга яроқсиз деб топилган ва муаллифларга тегишли тавсиялар берилган.

Йиғилишда айтилганидек, миллий ўзликни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга безавол етказиш, ёшлар онги ва қалбини ёт хуружлардан ҳимоялашда телерадиостанциялар катта аҳамият касб этади. Тадбир сўнггида юқоридаги фикрларга таянилган ҳолда ҳудудий телерадиостанцияларнинг келгусидаги режалари белгилаб олинди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.



ДУНЁДА НИМА ГАП?

ФАРМОН ВА ИЖРО

“ТУРОН БАНК”: TURON BANK

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ

Яқинда аҳоли ва мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик субъектларига барча турдаги молиявий хизматларни кўрсатиб келаётган “Турон банк” очиқ акциядорлик тижорат банки жорий йилнинг биринчи ярим йиллик фаолиятини сарҳисоб қилди. Унга кўра, мазкур молия муассасасининг умумий капитали 19,1 млрд. сўмга етиб, йил бошига нисбатан 752,7 млн. сўм миқдорида кўпайган. Яъни банкнинг даромади йил бошидан бери 4,1 фоизга ўсган.

Республикамиз Президентининг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ банк устав капиталини ҳар йили 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда кўпайтириб бориш банк бошқарувининг устувор вазифаси қилиб белгиланган. Шунинг учун унинг устав капиталини ошириш мақсадида қўшимча акциялар муомалага чиқарилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда банкнинг устав капиталини 15,6 млрд. сўмга етказиш учун 2,6 млрд. сўмлик эмиссия эълон қилиш ва уни йил охиригача тўлиқ жойлаштириш юзасидан барча ишлар қилинаяпти. Ушбу эмиссияда муомалага чиқариладиган банк акцияларининг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми фонд биржасида очиқ жойлаштирилади. Бунда асосий эътибор молиявий муассасанинг ҳудудлардаги ҳар бир филиалида инвесторлар ва аҳолининг бўш пул маблағларини жойлардаги фонд биржаси бўлимлари орқали банк акцияларига жалб қилишга қаратилган. Шунингдек, юридик шахслар учун мўлжалланган, муддати 6 ойдан 3 йилгача бўлган 15 млрд. сўмлик депозит сертификатлар ва жисмоний шахслар учун муддати 6 ойдан 1 йилгача бўлган 1,5 млрд. сўмлик жамғарма сертификатларини муомалага чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Ҳисобот даврида маълум бўлдики, ўтган даврда банкнинг жами активлари миқдори 209,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 53,8 млрд. сўмга кўпайган. Юқорида кўрсатилган жами активларнинг 70,8 фоизи даромад келтирувчи активлар ҳисобланади.

Банк активларини диверсификация қилиш, қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини янада кенгайтириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур молия муассасасининг қимматли қоғозларга киритган инвестициялари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 млрд. сўмга ортиб, бу соҳада жамланган маблағ 3,3 млрд. сўмга етди.

“Турон банк” ОАТБ томонидан аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва аҳолига кўрсатиладиган банк хизматлари кўламини кенгайтиришда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк кассаларига жалб этилган аҳоли омонатларининг қолдиғи 27,4 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 млрд. сўм кўп демакдир. Айни кунларда ҳам 15 дан ортиқ омонат турларига аҳолидан нақд пул қабул қилиш ишлари изчил давом этмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида молиявий муассаса томонидан бир неча юқори фоизли омонатлар жорий этилди. Жумладан, биринчи ярим йилда «Барҳаёт» (йиллик 26 фоиз), «Баҳор» (йиллик 30 фоиз), «Тошкент 2200» (йиллик 24 фоиз) ҳамда хорижий валютадаги «Bonus Plus» (йиллик 9-12) ва «Universal» (йиллик 3-9 фоиз) омонат турлари фикримизга далил бўла олади. Шу билан бирга, аҳолининг хорижий валютадаги нақд маблағларини жалб қилиш мақсадида қўшимча равишда «Оптима», «Бонус», «Мерос» муддатли омонат турлари жорий этилган.



Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарори талабларини бажариш мақсадида ҳам “Турон банк” томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида жойларда 300 та терминал ўрнатилди, 10 000 дона пластик карточка муомалага чиқарилди. Натижада банкнинг жами пластик карточкалари сони 106 000 тага етган бўлса, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига ўрнатилган терминаллар сони 1210 тани ташкил этди.

Молия муассасаси жорий йилнинг биринчи ярмида кредит бериш орқали кўплаб тадбиркорларнинг ўз режаларини ҳаётга татбиқ этишига кўмаклашди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 27 мартдаги «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда мижозларнинг савдо фаолиятини қўллаб-қувватлаш эвазига нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида 97 та савдо корхонасига жами 6,1 млрд. сўм кредит ажратилди. Хусусан, жорий йилнинг бошида жами кредит қўйилмаларининг қолдиғи 129,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич шу йилнинг 1 июлига келиб, 140,5 млрд. сўмга етди.

Шу ўринда яна бир нарсага алоҳида урғу бериш ўринлидир. Хўжалик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғини тармоқлар бўйича таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, асосан саноат тармоғига 31,7 млрд. сўм (23 фоиз), қишлоқ хўжалигига 23,2 млрд. сўм (17 фоиз), транспорт ва коммуникация соҳасига 1,6 млрд. сўм (1 фоиз), қурилиш соҳасига 23,4 млрд. сўм (17 фоиз), савдо-сотиққа 17,3 млрд. сўм (12 фоиз), маиший хизмат кўрсатиш соҳасига ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига 43,3 млрд. сўм (30 фоиз) ажратилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, давлат аҳамиятига эга бўлган йирик объектлар қурилишини зарур маблағ билан таъминлашда ҳам мазкур банк фаоллик кўрсатаётир. Жумладан, Андижон ва Оҳангарон ГЭСларидаги қўшимча қурилиш учун зарур маблағ ажратилди. Қолаверса, банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан фермер хўжаликларига ҳам жорий йилнинг ўтган даврида пахта ҳосилини етиштириш учун 8,5 млрд. сўм ва ғалла етиштиришга 3 млрд. сўм миқдорида маблағлар молиялаштирилди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йилида 554,8 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, республикамиз Президентининг 1998 йил 9 июлдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан мазкур соҳани ривожлантиришга ҳам банк ўз маблағи ҳисобидан 36,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратганини айтиб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб эътироф этилган ушбу соҳага кредит беришда бюджетдан ташқари маблағлардан унумли фойдаланилиб, 293,8 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг бошидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар ҳисобига 1000 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳам 730,2 млн. сўм кредит маблағи берилди. Жумладан, Шаҳрисабздаги “Консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси” (бугунги кунда “EAST AGRO INTERNATIONAL”)ни иқтисодий соғломлаштириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга жами 800 млн. сўм маблағ йўналтирилиб, 2000 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга қарийб 3 млн. АҚШ долларига тенг маблағ ажратилди.

Молия муассасасида «Western Union», «Money Gram», «Contact», «Быстрая почта», «Coinstar», «Золотая Корона» халқаро тизимлари орқали аҳолига пул жўнатиш хизматлари ҳам кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқаро пул ўтказмаларининг умумий айланма миқдори 84,09 млн. доллардан иборат бўлган бўлса, шундан чет давлатлардан жўнатилган пул ўтказмалари 43,44 млн. долларини, мамлакатимиздан четга чиқарилган пул ўтказмалари 40,65 млн. долларни ташкил этди.

Бугунги кунда “Турон банк” йирик халқаро банклар — Credit Suisse (Швейцария), Commerzbank AG (Германия), Kredyt Bank S.A. (Польша), АК «Казкоммерцбанк» (Қозоғистон) ва Россиянинг Сбербанк, «Райффайзенбанк», ВТБ Банк, «Русславбанк», «Промсвязьбанк», «Азия-Инвест Банк»лари билан ўзаро вакиллик муносабатларини йўлга қўйган. Қолаверса, дунёнинг етакчи молиявий муассасалари билан яқин ҳамкорлик туфайли SWIFT тизими орқали банклараро ўтказмаларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йилнинг бошида Россиянинг «Промсвязьбанк»и ва Жанубий Кореянинг «Korea Exchange Bank»лари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди. Айни кунларда эса улар билан кредит линияларини очиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Шу йилнинг февраль ойида MOODY'S халқаро рейтинг агентлиги “Турон банк” ОАТБни 2008 йил якуни бўйича молиявий барқарорлик рейтинги (БМБР) E+, кредитга лаёқатлилик B3 даражасини берувчи рейтинг билан баҳолади. Ушбу халқаро рейтинг агентлиги банкни ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги қисқа ва узоқ муддатли депозитлари бўйича “B3/Not Prime” рейтинги билан ҳам баҳолади.

«Ахбор Рейтинг» миллий банкларо рейтинг компанияси томонидан эса мазкур молия муассасасига «UzB++» (барқарор) рейтинг баҳоси берилди. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, бугун “Турон банк” ОАТБ тизимида 18 та филиал, 49 та мини банк, 42 та махсус ва 39 та жамғарма кассалар, 51 та валюта айирбошлаш ҳамда 83 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, банк мижозларининг сони 17 минг нафардан ортди.

Ислом СУЛТОНОВ,
“Hurriyat” мухбири. Ⓡ

ДАРАКЛАР

НАТО КЕНГАЯДИМИ?



НАТОнинг янги бош котиби Андерс Фог Расмуссен ўтган шанба куни расман ўз лавозимини эгаллади. Душанба куни эса Шимолий Атлантика блокининг Брюсселдаги қароргоҳида матбуот анжумани ўтказди. У журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, келажакда НАТО кенгайиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, Украина ва Грузия ҳозирча аъзоликка киришга тайёр эмас. Аммо Киев ва Тбилиси маълум шартларни бажариб бўлишди.

Бош котиб НАТО — Россия муносабатлари ҳақида гапирар экан, «Икки томон ўртасида сақланиб турган баъзи масалаларга турлича қарашлар муносабатларнинг бузилишига олиб келмаслиги керак», деди.

Расмуссеннинг таъкидлашича, коалицион кучлар яқин ўртада Афғонистонни тарк этмайди. У ўз сўзида Афғонистонда тартиб ўрнатиш учун қанча вақт керак бўлса, НАТО кучлари шунча пайт бу юртда қолишини билдирди.

ҲАЛОКАТГА БИР БАҲЯ ҚОЛДИ



Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридан АҚШнинг Хьюстон шаҳрига учиб кетаётган самолёт ҳавонинг кучли гирдобли оқимига учраб, Майами аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 26 нафар йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. Врачлар тўрт нафар йўловчининг жароҳати оғир эканлигини айтмоқда.

Associated Press хабарига қараганда, «Боинг-767» ҳаво кемасида 168 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари бўлган. Самолёт Майами аэропотига қўнгандан сўнг 13 йўловчи касалхонага ётқизилди. Қолган йўловчилар тезда Хьюстонга жўнатилди.

ЧЕГАРАНИ БУЗГАНИ УЧУН

Эронда учта АҚШ фуқароси қамоққа олинди. BBC телерадиокорпорацияси мухбири тарқатган хабарда айтилишича, Туркияга келган америкалик уч сайёҳ Ироқнинг Эрбил ва Сулаймония шаҳарларига боришган. Эртаси куни эса таксида Ахмед-Ава шаҳарчасига йўл олишган. Орадан бироз вақт ўтгач, улар танишларига қўнғироқ қилиб, адашиб Эрон ҳудудига кириб қолишганини ва ҳозир Эрон аскарлари қуршовида эканликларини айтишган. Шундан буён улардан ҳеч қандай хабар йўқ.



Эрон ташқи ишлар вазирлиги вакили АҚШ фуқаролари Эрон чегарасини бузиб ўтгандан сўнг қамоққа олинганини тасдиқлади. Унинг таъкидлашича, сайёҳлар чегарачиларнинг огоҳлантиришига ҳам қулоқ солмай чегарани бузиб ўтишган.

АҚШ давлат департаменти вакили Роберт Вуд Америка ўз фуқароларининг ушланишига жиддий қарашини ва уларни озод қилиш учун барча чораларни ишга солишини билдирди. Сайёҳлар йўқолган ҳудудга АҚШ ҳарбий вертолётлари ва аскарлари юборилган.

КАЗАРМАДА ПОРТЛАШ



Испаниянинг Майорка оролидаги Палманов шаҳарчасида жойлашган ҳарбий-лашган полиция казармасида кучли портлаш содир бўлди. Бу хунрезлик оқибатида икки аскар ҳаётдан кўз юмди, бир неча киши турли даражада тан жароҳати олди.

Казармага етиб келган полициячилар ва ўт ўчирувчилар жабрланганларга ёрдам берган. Жиноятчилар қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида оролдан чиқувчи барча ҳаво ва сув йўллари назорат остига олинди. Бу жараён неча кун давом этиши ҳозирча номаълум. Полиция вакиллари дастлабки текширувлардан сўнг бу қўпорувчиликни ЭТА ташкилоти амалга оширган деган тахминни билдирди.

Эслатиб ўтамиз, ЭТАчилар 1968 йилдан буён Баск давлатини тузиш учун кураш олиб бормоқда. Шу давр ичида улар томонидан амалга оширилган қўпорувчиликлар оқибатида 800 нафардан кўпроқ инсон ҳалок бўлди.

КАСАЛЛИК ЧЕКИНДИ



Зимбабве соғлиқни сақлаш вазири Генри Мадзорера куни кеча мамлакатда бундан бир йил олдин бошланган вабо эпидемияси тугатилганини маълум қилди. Унинг айтишича, 2008 йилнинг августидан буён ҳудудда 98585 киши шу касалликка чалинган ва уларнинг 4287 нафари вафот этган. Халқаро қизил хоч ва Қизил ярим ой ташкилоти ҳам Зимбабведа бу хавфли касаллик ўчоғи тугатилганини билдирди.

Мамлакат раҳбари Роберт Мугабенинг таъкидлашича, вабони Ғарб давлатлари махсус хизмати вакиллари тарқатган эмиш. Айрим Ғарб мамлакатлари раҳбарлари эса бу ишда Мугабенинг ўзини айблашди.

16 ЙИЛДАН СЎНГ

Португалия полицияси 16 йилдан буён қидирувда бўлган жиноятчини қўлга олди. 54 ёшли бу жиноятчи одам ўлдиришда айбланган ва 10 йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Кейинроқ эса у қамоқхонадан қочганди.

Полиция вакилининг айтишича, у шунча йилдан буён мамлакатнинг шимолидаги Виейра-ду Минью қишлоғи яқинидаги ғорда яшаган. Сочи ва соқоли жуда ўсиб кетгани ҳам унинг узоқ вақт ғорда яшаганини исботлаб турибди. Қўлга олиш чоғида у полицияга қаршилик кўрсатишга уриниб кўрди. Текширув чоғида қочоқнинг ёнидан тўппонча топилди. У тиббий кўрикдан ўтказилганда, мутлақо соғлом экани маълум бўлди. Полиция вакилининг таъкидлашича, жиноятчи асосан мева еб кун кечирган.

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ МУДҲИШ НИЯТИ



“Ал-Қоида” халқаро терроручилик ташкилоти Ғарб давлатларининг транспорт тизимига яна ҳужум қилишни режалаштирмоқда. Терроручилар 2001 йилнинг 11 сентябрь куни Нью-Йоркда бўлган воқеаларни такрорламоқчи.

«Интерфакс» мухбирининг CNN тарқатган хабарга асосланиб таъкидлашича, АҚШ фуқароси Брайанг Нил Винас ва Франция фуқароси Валид Отман сўроқ пайтида шундай гапни айтишган. Бу икки фуқаро “Ал-Қоида” террорчилик гуруҳи таркибида хунрезликларни амалга оширишда ва гуруҳ лагерида таълим олганликда айбланиб, ҳибсга олинган эди.

Уларнинг таъкидлашича, “Ал-Қоида” уйларга бостириб кириш ва ўша ерда одамларни ўлдириш каби янги террорчилик усулларини амалга оширишга ҳам тайёргарлик кўрмоқда.

САЙЁҲЛАР БОР ЭДИ

Франциянинг Манш департаментидаги “Корний-Аварда” заводининг қўнғироқ ишлаб чиқарадиган цехида кутилмаган портлаш содир бўлди. France Info радиоси хабарига қараганда, портлаш оқибатида 46 нафар одам жабр кўрди. Хабарда айтилишича, қўнғироқ ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш мақсадида заводга кўплаб сайёҳлар ташриф буюрарди. Портлаш чоғида ҳам цехда 50 нафар чет эллик сайёҳлар бор эди.

“Корний-Аварда” Франциядаги энг қадимги саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. У ўрта асрлардан буён фаолият кўрсатиб келади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЪЛИМ

Изланувчанлик самараси

Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан 2008-2009 ўқув йилининг “Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили” деб эълон қилиниши жамоамизнинг таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишига туртки бўлди. Аслида бугунги мактаб раҳбари қандай бўлиши керак? Қайси жиҳатлари билан у бошқаларга ўрнак бўлиши ва қайси усуллар билан ижодий муҳитни ривожлантириши мумкин?

Биз Қорасув шаҳридаги 2-мактабдаги бу борадаги ибратли ишлар тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз. Одинахон Мадраҳимова 2005 йил февраль ойидан 4-мактабга раҳбар этиб тайинланди. Ўша вақтда таълим масканининг моддий-техника базаси яхши эмас, у авария ҳолатида эди. Янги бино қурилиши 1980 йилдан буён ҳал бўлмай келарди. Ўқувчилар учун ошхона, спорт ва фаоллар заллари каби зарур шарт-шароитлар йўқ эди. Табиийки, таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ҳам шунга яраша эди. Одина опа янги бино қурилиши масаласида кўплаб раҳбарлар билан учрашди. Натижада мактаб “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури” режасига киритилди. Қисқа муддатда таълим маскани биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Шундан кейин опадаги изланувчанлик, янгиликка интилувчанлик хусусиятларини пайқаган шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари у кишига иш фаолиятини 2-мактабда давом эттириш таклифини билдирди. Мутасаддилар О.Мадраҳимованинг мазкур мактабни ҳам оёққа турғазишига ишонарди. Аввалига бироз иккиланган опа



2006 йилда ушбу педагогик жамоани қабул қилди. Жамоанинг аҳиллиги, ҳамфикрлилиги туфайли ўша йилдаёқ таълим-тарбия жараёнини янги бинода давом эттиришга эришилди. Шу ўринда янги бинонинг қуриб битказилишида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилмуроджон Раҳматуллаевнинг меҳнатини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирда мактаб жамоаси “Мактабимизни энг обод ва кўркам билим масканига айлантирамиз” шиори остида меҳнат қилмоқда.

Ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш мақсадида адир ерларидага 0,6 гектар майдонда ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. Ушбу ерда мактаб кажўҳори етиштирилиб, етти юз минг сўм даромад олинди. Бундан ташқари, минг туп терак кўчати экилди. Жамоада ҳар қандай муаммо баҳамжиҳатликда ҳал қилинади. Масалан, мактаб қозонхонаси бинодан анча узоқда жойлашгани боис уни ўқув биноси яқинига кўчириш зарурати туғилди. Ушбу масала муҳокамага қўйилди. Тегишли ташкилотлардан розилик олингач, бино қурилиши бошлаб юборилди.

Опанинг таклифи билан мактабда “Бойчечак” қўғирчоқ театри ташкил этилди. “Моҳир қўллар” ижодий тўгараги аъзолари ёрдамида ўзбек ва қардош халқ эртаклари асосида қўғирчоқлар ясаб, уларни “жонлантиришмоқда”. Қўғирчоқ театри кичик ёшдаги ўқувчиларни хушнуд этиш билан бирга, улар билимларининг шаклланишига ҳам туртки бўлмоқда, албатта.

Раҳбарнинг тадбиркор ва изланувчан бўлгани жамоанинг қисқа фурсатда қатор ютуқларга эришишига сабаб бўлди. Одина опа билан суҳбатлашсангиз, унинг келажакда мактаб моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнининг сифат даражасини юксалтириш борасидаги фикр ва мулоҳазаларига гувоҳ бўласиз.

Хайрулло НАСРИДДИНОВ,
Андижон вилоятининг
Қорасув шаҳридаги
2-мактаб ўқитувчиси.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА


"Асака банк" давлат акциядорлик тижорат банкнинг Наманган вилоят филиали кўп сонли мижозларга эга, аҳоли ишончини қозонган нуфузли молия муассасаларидан бири сифатида эътироф этилади. Боиси филиал жамоаси вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кредитлаш, нақд пул муомаласини барқарорлаштириш ва банкдан ташқарида пул айланмасини қисқартириш, депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлашга қаратилган долзарб вазифалар ижроси йўлга қўйилган. Енгил саноат, автотранспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардаги кўплаб мижозларга ҳам самарали хизмат кўрсатиб келинмоқда.



АСОСИЙ ЭЪТИБОР УСТУВОР ТАРМОҚЛАРГА

— дейди "Асака банк" нинг Наманган вилоят филиали бошқарувчиси Муҳаммадортиқ АКБАРОВ

— Жамоамиз масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда банк тизими фаолиятини такомиллаштириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Муҳаммадортиқ Акбаров. — Бизга мамлакатимиз Президенти ҳамда ҳукуматимизнинг соҳага доир қарорлари ҳамда кўрсатмалари дастуриламал бўлиб хизмат



қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, ҳар бир банкнинг нуфузи ва салоҳияти энг аввало, унинг мижозлари сонига, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар маданиятининг юксаклигига боғлиқ. Мижозлар сафи тобора кенгайиб бораётганини мамнунлик билан қайд этишни истардим. Масалан, ўтган йилнинг бошларида улар сони 1500 нафар атрофида бўлган бўлса, жорий йилнинг бугунигача 2539 нафарни ташкил этди. Жумладан, юридик шахс мақомини олган хўжалик субъектлари 1227 та, жисмоний шахс сифатидаги тадбиркорлар эса 1312 тага етди. Кейинги уч ой давомида уларнинг сафи яна 20 нафарга кенгайди.

Турли соҳалар бўйича ажратилаётган кредит маблағлари ҳисобидан банкимизга тушаётган соф фойда миқдори ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ филиал даромади 1 миллиард 682 миллион 300 минг сўмни ва харажатлар миқдори 1 миллиард 526 миллион 700 минг сўмни ташкил этди. Даромад таркибидаги мижозларга берилган кредитлар бўйича олинган фоиз даромадларининг кўрсаткичлари ҳам кутилганидан зиёд бўлди.


Ҳозир йирик корпоратив мижозларни жалб этиш ва уларга юқори даражада хизмат кўрсатишни амалга оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. "Миришкор", "Чуставтотеххизмат-Н", "Наманганавтотеххизмат", "Наманганавтосавдо", "Коском-Наманган" ва "Муслимтекс" каби корхоналар энг йирик мижозлар жумласига киради.

Филиалимиз республика Марказий банкининг кредит портфелидаги муддати ўтган кредитлар ҳажмини кескин қисқартириш тўғрисидаги кўрсатмаси ҳамда республика "Асака" банкининг хизмат фармойишлари талабларини бажариш юзасидан ҳам чора-тадбирлар кўриб, ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида кредит портфелидаги узоқ муддатли ажратмалар улуши 47 фоизга пасайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилган кредитлар қолдиғи 4,5 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, айнан мазкур соҳанинг ўзига 2 миллиард 215 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилганини қайд этиш лозим. Хусусан, кредитларнинг тармоқлар бўйича йўналтирилгани қуйидагича бўлди: саноат соҳасига 4745,4 миллион сўм, қишлоқ хўжалигига 435,7 миллион сўм, савдога 146,8 миллион сўм, қурилишга 414,5 миллион сўм ва бошқа тармоқларга 3661 миллион сўм.

Филиал давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ҳам жорий йилнинг биринчи ярмида 14 та тадбиркор аёлга 28 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Ўз навбатида республикамиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини бажариш мақсадида ёш оилаларга ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган истеъмол товарларини сотиб олиш ва уй-жой харид қилишга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 18 та ёш оилага 70,3 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, 3 та ёш оилага эса 115 миллион сўмлик ипотека кредитлари берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 35 та оилага чорва моллари харид қилиш учун 69,8 миллион сўм миқдорида



кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга Президентимизнинг 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш турган пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан келиб чиқиб банк кассасига нақд пул тушуми топширилиши ҳажмини кўпайтириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, банк кассасига жами 34034 миллион сўм нақд пул тушди.

Молиявий муассасада бошқа тўловлар қаторида биринчи даражали тўловларни нақд пул билан таъминлашга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида биринчи даражали тўловлар 47967 миллион сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатилаётган хўжалик субъектлари бўйича инкассация нуқталари сони 396 тани, шартномалар сони 381 та ва инкассация хизмати орқали нақд пул тушуми 10098,5 миллион сўмни ташкил этди. Инкассация нуқталари яна 8 та кўпайди. Банкда мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича иш ҳақидан қарздорлик қолишига йўл қўйилмади.

Банкда Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини ошириш, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларида терминаллар ўрнатиш ва фаолиятини юргизиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Режага кўра, жойларда 240 терминал ўрнатиш, 17814 та пластик карточкани муомалага чиқариш лозим эди ва бу вазифа юз фоиз бажарилди. Банкдаги валюта айирбошлаш шохобчаларимиз сони иккита бўлиб, улар орқали 1336,5 минг АҚШ доллари сотилди. Аҳолидан харид қилиб олинган валюта миқдори эса 6 минг АҚШ долларини ташкил этди. "Вестерн Юнион", "Быстрая почта", "Юнистрим" ва "Близко" пул ўтказиш тизимлари орқали даромад 91,3 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Банкда рўйхатга олинган экспорт шартномалар сони 65 та бўлиб, экспорт амалиётлари бўйича жўнатилган маҳсулотлар миқдори 17414,6 минг АҚШ долларидан иборат бўлди. Импорт амалиётлари бўйича шартнома сони 81 та бўлиб, олиб келинган товарлар қиймати 4580,4 минг АҚШ долларига тенг.

Маълумки, бугунги кунда тижорат банклари олдида турган устувор вазифалар узоқ масофада жойлашган хўжалик субъектларига ҳамда аҳолига турли хил ва сифатли молиявий хизмат кўрсатишдан иборат. Ҳозир вилоят филиалимизда 10 та мини банк мавжуд бўлиб, улар — Наманган шаҳридаги "Тинчлик", "Гўзал" ва "Ёшлик", Чуст туманидаги "Чуст", Наманган туманидаги "Ирвадон", "Жаҳон бозори", "Шербулоқ", Уйчи туманидаги "Маъшад", Янгиқўрғон туманидаги "Кўкёр", Чортоқ туманидаги "Чортоқ" мини банклари ҳисобланади. Мазкур шохобчалар хизмат кўрсатаётган хўжалик субъектлари сони 326 тага етди.

Аҳолига банк хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, нақд пул маблағларининг банк кассасига тушишини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳрида 14 та "Пайнет" хизматлари шохобчалари очилганини ҳам қайд этмоқ жоиздир. Шунингдек, филиалимизда аҳоли учун қулай ва даромадли ҳисобланган кўплаб муддатли омонат турлари ҳам жорий этилган. Масалан, айни пайтда муддатли омонат турлари сони миллий валютада 25 тага, хорижий валютада эса 15 тага етди.

Хуллас, филиалимиз жамоаси ўз олдида турган вазифаларнинг бугунги талаб даражасида бажарилишини таъминлашда, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда, аҳолига юксак даражали хизмат кўрсатишда бундан сўнг ҳам астойдил фаолият юритади.

"Hurriyat" мухбири Солиҳ ҚАҲҲОРОВ ёзиб олди.

Суратлар муаллифи Денис ДРОКИН. ®

МУШОҲАДА

СЎЗЛАШУВ ОДОБИ ҲАР ЖОЙДА КЕРАК

Қадимдан бозорлар кишиларнинг фақат моддий эҳтиёжини қондирадиган маскан бўлибгина қолмай, уларнинг дунёқарашини кенгайтирадиган, маънавиятини бойитадиган, маданиятини юксалтирадиган жой ҳам бўлиб келган.


Айниқса, ўтмишда Мовароуннаҳр бозорларида боболаримиз сўзлашув маданиятига алоҳида эътибор берганлар. Тилимиздаги нозик иборалар, гўзал таъриф ва тавсифлар, юксак мақтов сўзлари, сирли қочиримлар айнан бозорда шаклланган ва кейин муомалада кенг қўллана бошланган. Ҳатто, қадимги китобларда ёзилишича савдогарлар ўз молини ғазал билан таърифлаган эканлар. Тижорат билан шуғулланувчилар ширин ва ўткир сўзли сухандон бўлганликлари боис, подшоҳлар доимо уларнинг суҳбатларига ошуфта бўлганлар. Ўша китобларда яна қайд этилишича, савдогарлар бозорда савдо билан машғул бўлган вақтларида энг яхши либосларини кийиб олган ва улардан хушбўй мушку анбар ҳидлари анқиб турган. Харидорга ўта хушмуомалалик билан муло-қот қилишар, кўнгил бисотларидаги энг гўзал сўзларни уларга ҳадя этиб, харидорни ўзларининг доимий мижозларига айлантиришар экан.

Албатта, Шарқ бозорларидаги юксак маданият ҳозир ҳам сақланиб қолганида, сўзлашувдаги муомаламиз ташвишидан хавотирланишимизга, ҳатто уни мақола қилиб ёзиб ўтиришимизга ҳожат ҳам йўқ эди.

Аммо, оддий сўзлашув қоидаларини, муомала санъатини ҳам билмайдиган кўплаб савдо ходимлари ва бозорчи сотувчилар раста ёки пештахталар ортида фақат молини ўтказиш билан банд бўлиб, миллат шаънини ўйламай, маънавиятимизга путур етказаётган экан, уларга айтар сўзимиз, маданиятга чорловчи даъватимиз бўлиши даркор.

Ҳозирда ҳам Япония, Хитой ва Корея каби давлатларда савдо соҳасида ишлашга талабгор бўлганлар махсус муомалани ўрганиш курсида ўқиб, уни аъло даражада тугатган бўлсагина соҳада ишлашга қўйилар экан. Сўз билан харидор кўнглини ололмаган сотувчининг эса тезда ўз иши билан хайрлашишига тўғри келар экан.

Бизда эса баъзан зарур нарсаларни сўраб, сотувчига мурожаат қилганимизда ўша нарсанинг йўқлигидан эмас, сотувчининг қўпол ва нописанд муомаласидан кўнгил ранжийди. Чунки уларнинг кўпчилиги харидор билан қандай сўзлашиш зарурлигини ҳам англашмайди.



Савдогарлик аслида энг қадимий касблардан. Унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тужжорлар юксак салоҳиятли ва маданиятли бўлишган.

Ҳозирги вақтда шундай улуғ касбнинг муомала маданиятига путур етказаётганлар кимлар? Умуман олганда ҳозирда савдо билан кимлар шуғулланаётир? Қолаверса, бозор иқтисодиёти дегани ҳамма бозорга бориб тирикчилик ўтказади дегани эмас-ку? Тўғри, давр тадбиркор бўлишга ундамоқда. Лекин савдо соҳасида фаолият юритиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун ҳам иқтидор, шу соҳа бўйича махсус билим олган, устоз кўрган бўлиш, соҳанинг сир-синоатини билиш керак.

Ҳозир бозорларда ва умуман савдо соҳасида шуғулланаётганларни уч тоифага ажратиш мумкин. Биринчисига ота-боболари касбини давом эттириб келаётган, яъни халқ таъбири билан айтганда "қонида борлар". Улар бу ҳунарни ўзларига касб қилиб олган, унинг масъулиятини ҳам яхши ҳис қиладилар. Йўлнинг турли азобларидан чўчимай, иссиқни — иссиқ, совуқни — совуқ демай турли мамлакатлардан мол олиб келиб, бозорларнинг тўкинлигини таъминлаш учун астойдил хизмат қиладилар. Уларнинг маданияти ҳам, кийиниши ҳам, сўзлашув одоби ҳам юксак. Қолаверса, бундайларнинг маънавияти, билими тўкис. Чунки уларда шу хислатлар мужассам бўлмаса бозори касод бўлиши ёки хорижлик шериклари олдида панд еб қолишлари тайин.

Иккинчи тоифага қўшимча ёки осон даромад манбаини қидириб бозорга ўзини урганлар киради. Булар турли касб эгаларидан жамланган бўлиб, аксарияти ўз касб ихтисослиги бўйича ишини эплолмаган, касбини севмаган, ўзи ишлаган соҳага адашиб кириб қолганлар ҳисобланади. Агар улар иқтидорли ва қобилиятли бўлганларида ўз соҳаларида ҳам қўшимча даромад олган бўларди. Қолаверса, бундайларнинг кўпи маънавий қашшоқ бўлиб, ҳамма нарсани пул билан ўлчашга мойил бўладилар. Бу тоифадагилар сифатсиз ва арзон мол олиб келиб, юртдошларига уни қимматга сотиб, керагидан ортиқ даромад қилишни истайдилар... Уларнинг муомаласида кўпроқ сохталик, сўзларида палапартишлик, ёлғон сўзлашга мойиллик сезилади. Бундайларнинг кўпчилиги ҳаёт гўзаллигини ҳис қилишдан бебаҳра бўлиб, нафснинг қули — ишкамбага айланганлар.

Бозордаги бу чиллаки тижоратчилар кўпол муомаласи, ўзларининг такаббурона ва беҳаё сўзлари билан харидор кўнглини ранжитади. Халқимизда "Кўрмаганнинг кўргани қурсин" ёки "Семизликни қўй кўтаради" деган ибратомуз мақоллар бор. Бу тоифадагилар чўнтагига уч- тўрт сўм ортиқча пул тушгандан кейин иймонини ютиб, ҳаром-ҳаришдан, харидор ҳақидан ҳазар қилмайдиган бўлиб қоладилар. Улар ҳам миллат шаънини, халқнинг гўзал урф-одатларини писанд қилмай, фақат ўз жиғилдонларининг қулига айланадилар.

Учинчи тоифадаги, яъни ўзини аҳли тижорат қаторига қўшганлар (буларни олиб-сотарлар десак ҳам бўлади) тирикчилик ўтказиш ниятида бозорларда жойлашиб олганлар. Бу гуруҳдагилар кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадилар. Айнан шулар бозорлардаги нарх-навонинг юқори бўлишига сабабчи бўлишаяпти. Чунки улар бозорга маҳсулот олиб келган ҳақиқий деҳқоннинг молини бозор дарвозасининг олдидаёқ арзон-гаровга сотиб олиб, кейин уни бир неча бор қимматига сотадилар. Ушбу тоифадагилар орасида бозор қонунларини билиш у ёқда турсин, оддий савдо қоидаларини билмайдиганлари ҳам бор.

Агар "сотаётган караминг нархи нега баланд". деб сўрасангиз долларнинг нархи ошган, — деб жавоб қайтаришдан ҳам уялишмайди. Аслида ўзи доллар қийматининг ошганининг сотаётган маҳсулотига қандай алоқаси борлигини тушунтириб ҳам бера олмайди.

Бугунги кунда бозорларимизда бозор маданиятини "шакллантираётганлар" мана шу кейинги икки тоифа вакилларидир. Чунки биринчи тоифага кирувчилар озчиликни ташкил этади.

Бозор иқтисодиётининг зарур талаби аввалambор поклик, иймон ва ахлоқий баркамолликни талаб этади. Шу хислатлар мужассамлашгандагина инсоннинг ижтимоий муносабатларида муҳим ўрин тутувчи ахлоқий маданияти юзага келади.

Ахлоқий ва муомала маданиятининг шаклланишида эса ташқи муҳитнинг таъсири, кишиларнинг турмуш тарзи ва бошқа манбалар муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, инсонларнинг энг кўп мулоқотда бўладиган жойи ҳам бозор.

Демак, бозорларда тижоратчилар ҳам, харидорлар ҳам, бир-бирлари билан гўзал муомалада бўлишса, айтар сўзини ўйлаб гапиришса, минг йиллар давомида шаклланган гўзал тилимизнинг энг нафис томонларини кўрсатсалар, маданиятимиз янада юксалган бўлар эди.

Албатта, одамга сўзлашув маданиятини зўрмазўраки сингдириб ҳам қолипга солиб ҳам бўлмайди. Буни ҳар бир инсон ўз виждони ва ички маданияти билан онгли равишда амалга оширмоғи лозим.

Абдураззоқ КАРИМОВ, журналист.

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Тўғри йўл қолиб...

Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти учун барча қонуний шарт-шароитлар яратилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳсулотлар экспорти — мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Яширсангиз янглишасиз

Республикамиз божхоначилари томонидан нақд валюталарни олиб ўтиш билан боғлиқ амалдаги тартиб ва меъёрларни бузган шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ўз вақтида чек қўйилмоқда. Хориж фуқароси Ма Вениамин Тошкент аэропортидан "Тошкент — Москва" йўналишида ўз юртига учаётиб, божхона баённомасида ҳеч қандай хорижий валюталарни олиб кетмаётганини қайд этган эди. Аммо у назоратдан ўтказилганда, меҳмоннинг 40 минг Россия рублини яширгани маълум бўлди.

Андижон вилоят божхона бошқармаси ходимлари "Дўстлик" божхона пости орқали қўшни давлатга чиқиб кетаётган фуқаро Т.Нуриддиновнинг ўзи билан 3400 АҚШ долларини яширинча олиб чиқмоқчи бўлганини аниқлади. Қўшни давлат фуқароси Г.Бадирова ҳам ёнидаги нақд валютани яшириб янглишди. У 2700 АҚШ доллари ҳамда 21 мингга яқин қозоқ тенгесини ноқонуний равишда олиб ўтмоқчи бўлганида Тошкент вилояти божхоначилари дарров унинг шубҳали ҳаракатларини сезиб, назоратдан ўтказишди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божхоначилар томонидан нақд валюталарни ноқонуний олиб ўтишга оид 2400 дан ортиқ ҳолат фош этилди.

Сифатсиз маҳсулотга ўрин йўқ

Республикамиз божхоначилари сифати кафолатланмаган, тегишли ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозорга кириб келишининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирларни кўришаяпти.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда Мирзаобод туманидаги М.Холиқова хонадонини қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечиришди. Натижада самарқандлик Н.Нуриллаева ҳамда Т.Саидмурадоваларга тегишли 5 тоннага яқин товуқ гўшти ноқонуний тарзда сақланаётгани маълум бўлди. Аммо уй эгаси ҳам, юк эгалари ҳам божхоначиларга қиймати салкам 17 миллион сўмга яқин ушбу озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли биронта ҳужжатни тақдим қила олишмади.

Худди шу ҳолга фуқаро З.Холбоев ҳам тушди. У Тошкент вилояти божхоначилари томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ва қиймати салкам 8 миллион сўмни ташкил қилувчи икки тоннадан кўпроқ товуқ гўштини ноқонуний олиб киришга уринаётган пайтда ушланди.

Беҳзод БЕРДИЕВ, Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати инспектори.

ХОТИРА АЗИЗ

"Қаҳқаҳа" билан суҳбат

ёки сўзи борнинг ўзи бор

Яқинда қадрдон дўстим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг қувноқ кулгиларга йўғрилган "Қаҳқаҳа" номли сайланма китобини варақлай туриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Ушбу асар менга кулги улашувчи эмас, балки мунгли суҳбатдошдай туюлди. Уни қайта-қайта варақладим. Китоб қатларидан ўзимга таскин изладим. Ҳажвияларни ўқиганим сайин соғинч бағримни эзиб, ўша хушхандон онлар, кулган, кулишган кунларимиз ёдимга тушаверди.



Китоб билан суҳбатлашаман. Ундаги ҳажвияларнинг деярли барчаси "Қоровул"дан тортиб "Қассоб шоир"гача менга таниш. Ҳажвия қаҳрамонлари ҳам ёд бўлиб кетган. Фахрланиб айтишим мумкинки, таниқли ёзувчимизнинг аксарият ҳажвияларини ҳали сиёҳи қуримасидан ўқиш бахтига муяссар бўлганман. Мен бу ҳажвияларни ўша пайтларда ўзим муҳаррирлик қилган Ўзбекистон радиосининг "Қувноқ тўлқинда" ҳажвий эшиттиришида (1965-67 йиллар), 1967 йилдан бошлаб эса "Табассум" радиожурналида инсценировкалаштириб эфирга бериб борардим.

"Қаҳқаҳа"ни варақлашда давом этаман. Ҳажвияларнинг сарлавҳаларини овоз чиқариб ўқийман. Муаллифнинг дастлабки ва энг машҳур "Сузанғич романи" ҳажвиясига кўзим тушди-ю, бир сесканиб олдим. Гўё китоб қатидан ҳажвия қаҳрамонлари чиқиб келаётгандай бўлди.

Бу ҳажвия устоз Абдулла Қаҳҳорнинг назарига ҳам тушган дейишади. Ўшанда Абдулла ака "ўзбек Зошченкоси чиқаяпти", деб Неъмат аканинг ижодига юксак баҳо берган экан.

Республика радиосида энди иш бошлаган пайтларим эди. Неъмат ака билан анчадан бери юзма-юз учрашиш, ижодий ҳамкорлик қилиш орзусида юрардим. Алқисса, мақсадимга етдим. Мен кутган бу учрашув 1966 йилнинг кеч кузида Бухорои шарифда юз берди. "Қувноқ тўлқинда" радиожурналининг навбатдаги сонига "масаллиқ" тўплаш мақсадида хизмат сафари билан Бухорога бордим. Неъмат Аминов ўша пайтда вилоят радиосида бош маҳаррир эди. Бухородаги хизмат сафаримда у менга яқиндан ҳамроҳ бўлди. Вилоятдаги халқ истеъдодларини, қизиқчи, латифагўйларни, ҳажвий соҳада қалам тебратадиганларни топишда жонбозлик кўрсатди.

Шундай қилиб, Бухоро сафари самарали ўтди. Эшиттириш қизиқарли, мароқли чиқди. Бунда эса такрор айтаман, ҳажвчи дўстимиз Неъмат Аминовнинг ҳиссаси беқиёс бўлганди. Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон радиосида "Табассум устахонаси" иш бошлади. "Қувноқ тўлқинда" замирида яратилган бу эшиттириш аввалгидек бир ойда бир марта эмас, балки ҳар ҳафтада эфирга узатиладиган бўлди. Табиийки, ҳафталик эшиттиришга шунга яраша материал керак бўлади. Бунинг учун эса муаллифларимиз, иштирокчиларимиз сафини кўпайтириш зарур. Суянган тоғлар бўлмаса, қоқиниб қолиш ҳеч гап эмас. Ана шундай ишонганларимиздан бири бухоролик Неъмат Аминов бўлиб қолди. У жуда сермаҳсул ижодкор эди. Кўп ва хўп ёзарди.

Тақдир тақозоси билан Неъмат Аминов 1973 йил Тошкентга келди. "Муштум"да ишлай бошлади. Ҳамкасб сифатидаги ҳамкорлигимиз янада кучайди. "Табассум" ва "Муштум" ҳамкорлиги ҳам анча авж олди.

Дунёнинг қизиқлигини қарангки, Неъмат ака Тошкентга келгач, биз ҳозирги "Шарқ" нашриёт-матбаа компаниясига қарашли ётоқхонанинг ёнма-ён хоналарида яшадик. Икковимиз ҳам навқирон ёшда эдик. Оила, уй-жой ташвишларидан кўра, ижод олами биз учун биринчи даражали ҳисобланарди. Аммо қийналган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Бухородан келган Неъмат Аминов ҳам, андижонлик камина ҳам уй-жойсиз эдик. Турғунлик йилларининг қонун-қоидаларига биноан уй олиш учун ишхонадан навбатга қўйишарди. Навбат қурғур эса узундан-узоқ бўлар, йиллар ўтиб кетса ҳам ундан дарак бўлмасди.

Бир қараганда иккаламиздан ҳам омадли одам йўқдек. Бир қарасак, дарвеши девонамиз. Биз нуфузли анжуманларда, "Табассум оқшом"ларида, "Муштум" кечаларида давраларнинг тўрида ўтирамиз. Сўзимиз кескир-кескир. Давралардан хушхон, хушчақчақ, сержавқ, сертабассум бўлиб ётоққа қайтамиз. Лекин... рости ётоқхона файзсиз, тароватсиз туюларди. Бизга бир пиёла чой, бир коса овқат тутадиган меҳрибон йўқ. Хотин, бола-чақалар узоқда. Уларни олиб келай десак... Дардимизни кимга айтамиз. Қийинчиликларни кулиб-кулиб енгардик... Кулиб-кулиб ижод қилардик.

Орадан йиллар ўтди. Уйли-жойли ҳам бўлдик. Оилаларимизни кўчириб ҳам келдик. Яшаш тарзимиз яхшиланди. Уйга қайтсак, иссиққина жойимиз, кутиб оладиган кишимиз бор. Шукр.

..."Қаҳқаҳа" китобини варақлар эканман, бўлиб ўтган ўша воқеалар беихтиёр эсимга тушади. Дунё адабиёти тарихидан маълумки, ҳажвчиларнинг косаси сира оқармаган. Сабаби танқид ҳаммага ҳам бирдек ёқавермайди. "Тўғри гап туққанингга ёқмас", деган мақол ҳам бежиз айтилмаган-да. Неъмат Аминовнинг ҳажвияси эса ҳаммабоп. Халққа ҳам, ҳукуматга ҳам бирдек ёқарди. У кишига "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" деган унвон берилди. Бу унвон адибга жуда-жуда муносиб эди. Чунки Неъмат Аминов ҳажвиёт жанрига жуда садоқатли эди. Баъзи ҳажвчиларимизга ўхшаб ўзини у ёққа, бу ёққа урмади. У энг оғир, энг заҳматли соҳа ҳисобланган ҳажв жанрида собит қолди.

"Қаҳқаҳа" китоби бугун ҳам қўлимда. Уни ўқиб, хаёлан гурунглашиб тўймайман. Китобни ўқинч билан аста ёпаман. Лекин кўнглим дарчаси очиқ қолади. "Қаҳқаҳа" билан гурунгимиз ҳали узоқ давом этади. Қувноқ ҳажвчимиз, халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ёнимизда, ёдимизда яшайверади. Доно халқимиз айтганидек, сўзи борнинг ўзи бор.

Тўлан ТАБАССУМ


ДУНЁНИНГ МАШҲУР АДИБЛАРИ

Пауло Коэльо:

«Асар ёзиги — ўзилиги англаш делакдир»

Бугунги кунда дунёнинг машҳур ёзувчиларидан бири бўлган Пауло Коэльонинг асарлари жаҳондаги 140 мамлакатнинг миллионлаб адабиёт мухлислари томонидан севиб ўқилмоқда. 1947 йилда Бразилиянинг Рио-де Жанейро шаҳрида туғилган адиб ўтган асрнинг 90- йилларида яратилган «Алкимёгар» ва «Бешинчи тоғ» романлари билан катта шуҳрат қозонган.

Қуйида «Пятое измерение» ("Бешинчи ўлчов") ойлик газетаси мухбири Клейн билан адибнинг дунё ва адабиёт хусусидаги тийран, мушоҳадаларга бой суҳбатининг таржимасини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.



Биз инсоннинг ҳаёти давомида унга кўмак берадиган, йўл кўрсатадиган рамз ва белгилар тўғрисида кўп гапирдик. Айниқса, унга амал қиладиган кишининг ҳаёти қанчалар қизиқ кечиши хусусида. Коэльога берган илк саволни ўзим ўйлаб топганим йўқ. Уни асосан "Алкимёгар" романи ҳақида эшитган, лекин ҳали ўқиб улгурмаган кишилар ҳар доим беришади:

— Паулонинг китоблари нима ҳақда ўзи? Улар нимани ўргатади?

— Аввалambор шуни айтиш керакки, мен бировга ниманидир тушунтириш ёки уқтириш, нима қилиш ва уни қандай амалга оширишни ўргатиш учун ёзишни бошлаганим йўқ. Мен асосан ўзим учун ва ўзим ҳақимда ёздим. Қоғозга бирор нима қоралаш менга кўпроқ ўзимни англашга хизмат қилади, юрагимдаги яширин томонларни кашф этади. Иккинчидан, одамларда ижодимга нисбатан ҳақиқатан ҳам ишонч ҳосил қилиши мумкин бўлган ягона нарса — бу шахсий тажрибам. Севиб ўқийдиган китобларим — қалбим қўридаги ҳаракатларнинг зоҳирий аксини кўрадиган асарларим. Эҳтимол, улар ҳали бундан илгари ҳам хаёлимга келмаганларидир. Яъни атрофингда сендан бўлак яна кимдир бор. У ҳам сен каби сезгир. Алал оқибат шу нарса аён бўладики, қайсидир ёзувчи ҳам сенинг ҳисларингдан боҳабар. Сен ёлғиз эмаслигингни фаҳмласанг, бу орзуларингнинг рўёбга чиқишида куч бағишлайди. Орзуингга эришиш учун барча ирода ва қобилиятни ишга соласан. Ўзўзига ишончсизлик билдирадиган кишига китобларимнинг охирида доим: "Ишон, сен ёлғиз эмассан! Сендақалар кўп. Фақатгина ўз орзу ёки мақсадингни ёдда тут ва унга тўғри йўл билан одимлаб бор. Мана шу тарика сен бирор нарсага етишишинг мумкин", — дейман. Мазкур жараёнда танҳо эмасликни ҳис қилиш, айниқса, муҳим. Буларнинг бари инсоннинг одамларга ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартиради.

Китобларимга келадиган бўлсак, улар нимадир ўргатишга қодир деб ўйламайман. Мен шунчаки рамзларни ифодалайман. Умуман олганда китоблар — бу одамлар аллақачон билган нарсаларини эслашга кўмаклашадиган катализатор. Биз рамзий дунёда яшаймиз. Бутун ҳаётимиз — рамз, ишоралардан иборат. Ҳар қандай инсоннинг ҳар қанақанги ҳаёти — бу белгидир. Ўз олдингизга мақсад қўйсангиз, ҳар қандай яширин белгилар маъносини уқиб оласиз. Уқмайсиз ҳаттоки, улар шундоққина эсингизга келади. Асарларимда асосан кўпчиликнинг ўзи тан олишга ҳадиксирайдиган нарсалар хусусида сўзлайман.

— Сизнингча, муҳаббат тақдир ва орзу бўла оладими? Ёки у орзунинг йўлига тўғаноқ бўладими?

— Муҳаббат ҳеч қачон тўсқинлик қилмайди. Менимча, у — куч. Тўғри, аксарият ҳолларда севги шубҳасиз инсонни фалаж қилади. Айниқса, ота-оналар фаразида фарзандимни шундай тарбияласам, у шу йўлдан борсагина келажакда бахтли бўлиши мумкин деб ҳисоблашади. Шуни ёдда тутингки, эркак ҳам, аёл ҳам оиласини таъминлашга етарли маблағ топа олмасликдан доим ҳайиқади. Аммо сиз муҳаббатнинг нима эканини тўғри тушунсангиз, унинг моҳияти — эркинлик.

Ҳаётим давомида турли синовлардан ўтиб, мен ўз олдимга саволни мана бундай қўяман: балки мен кимгадир озор бераяпман? Бироқ мен доим юрак амрига бўйсунаётганимни тахмин қиламан. Оқибатда шунга амин бўлдимки, бу йўлдаги уриниш ўзини оқлади. Одамлар ўртамиздаги муносабатдан нафақат мамнун, балки миннатдор бўлди. Эсингиздами, "Алкимёгар"да Фотима билан Сантьяго учрашганида бир-бирига худди мана шу саволни беради. Ва агар ёдингизда бўлса, Яратганга шукрлар бўлсинки, Сантьягони муҳаббат ҳисси ҳеч қанақанги фалаж ҳолига олиб келмайди.

— Инсон ўзини топганидан сўнг, яъни орзуси ушалганидан кейин нима бўлади?

— Буни сизга шахсий тажрибам мисолида айтиб бераман. Мен келажакда ёзувчи бўлишни орзу қилардим ва ҳаётимнинг маълум бир босқичида бунга астойдил киришдим. Ёзувчилик фаолияти бошланди. Ёзувчи бўлиш нима дегани? Бу ҳар доим тинимсиз китоблар ёзиш, янги қўнғироқларни қабул қилиш демакдир. Орзунинг моҳияти сиз унга доим талпинишингиздадир. Тўғри, аксарият одамлар кўпроқ моддий орзулар ҳақида бош қотирадилар. Лекин биз сиз билан ҳозир руҳий, маънавий орзулар хусусида — ҳаёт ҳақида гаплашаяпмиз.

Орзу — бу сизнинг ҳаётдаги мавжудлигингиз моҳиятини ифодаловчи чизиқдир. Сиз бу чизиқ билан яшайсиз ва унга эргашиб борасиз.

— Ҳаётда кўпроқ нимани билган муҳим?

— Сизнинг орзу-мақсадингиз нимадан иборат эканини, фақат шу.

— Сизда баъзан "Мен одамлар англамайдиган нарсалар тўғрисида ёзаётганим йўқ" деган тушунча пайдо бўладими?

— Ҳеч қачон. Китоб ёзиш зарурати туғилганда ўз танловингизни рўёбга чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Агар мен трагедия ҳақида гапирмоқчи бўлсам, у ҳолда "Бешинчи тоғ" дагидек фожиа муаммоси билан чекланишим керак. Агар мен хилма-хиллик, одамлар ҳар хил бўлиши лозимлиги ҳақида тўхталсам, бу масала билан "Вероника ўлмоққа аҳд этди" китобимда шуғулланаман. Ёзган ҳар бир китобим бу ўзимни англашга бўлган уринишдир. Ахир бошқалар қўлига етиб бормаган, ҳали нашриётга топширилмаган китобимнинг биринчи ва ягона ўқувчиси ўзим бўламан.

— Асар ёзаётганингизда китобхонлар билан қанчалик даражада ҳисоблашасиз?

— Мен ҳеч қачон қаҳрамонларга аниқ, батафсил чизги бермайман. Деталма-деталь тасвирлаш менга хос эмас. Етказиб берадиган озгина маълумотимдан ўқувчи ўзида мендан кўра кўпроқ тасаввур уйғотишга қодир. Шунинг учун китобхонларимни ҳаммуаллиф деб атаган бўлардим. Ўқувчи бўлишнинг жозибаси ҳам ана шунда. Ёзган асаримга сиз билан тенг аҳамиятлимиз, яъни баб-баравар жавобгармиз.

— Асарларингиз моҳиятига келсак. Уларда ўзини ўзи англаш мазмуни жуда кучли. Айтинг-чи, саёҳат усули ҳам ўзўзини тушунишга хизмат қилиши мумкинми?

— Бу ажойиб усул. Сиз атрофингизни қуршаб олган одатий ҳаётдан йироқлашасиз. Бундай шароитда ўзингизни одамлар олдидаги мажбурият, вазифалардан халос этиб, умуман нотаниш мамлакатга борасиз. Шунда ўз юртингиздаги ташвиш-у, муаммолар бу ерда унчалик муҳим эмаслиги аён бўлади. Энг муҳими, сиз доимий яшаш тарзингиздан чиқиб, янги ҳиссиётларга рўбарў қеласиз. Саёҳат инсонга унинг салоҳияти у тасаввур қилгандан ҳам кўпроқ эканига ишонч ҳосил қилдиради.

— Китобингиздаги ушбу сатрларга изоҳ берсангиз: "Агар сиз чиндан ниманидир орзу қилсангиз, унга албатта эришасиз. Зотан, бу орзу Олам Қалбида ҳам туғилади ва айни шунинг ўзи сизнинг Ердаги мавжудлигингиз тасдиғи, сизнинг тақдирингиздир".

— Бу жуда мушкул бўлса-да, жавоб беришга ҳаракат қиламан. Олам тушунчаси ахлоқ қоидаларига бироз хилоф. Лекин нима бўлганда ҳам биз ўзимиз истаган, хоҳлаган нарсанинг маҳсули ҳисобланамиз. Қайсидир пайтда бошга тушган ўша бахтсиз ҳаётни ўзимиз танлаганмиз. Сиз учун ҳеч қанақанги Коинот танламайди. Шунинг учун истакларингизга эҳтиёт бўлинг.

— Танлаш эркинлиги нима? Тақдир ва олдиндан айтилган қисмат мавжудми?

— Танлаш муаммоси, эркинлиги инсон дунёга келиши биланоқ уни кузатиб боради. Бу ерда туғилиш, у ерда ўлим. Битта чизиқ бу — заминда қандай яшаб ўтишнинг қисмати. Мана шу сизнинг тақдирингиз. Баъзан бу сизга қимматга тушса-да, унинг уддасидан чиқишга тўғри келади. Шуни айтишим керакки, бу менинг ҳам бошимдан ўтган. Сиз бу тўғри чизиқдан бирор нарсадан қўрққанда ёки гуноҳ иш қилганда чалғишингиз мумкин. Шу боис инсон ҳеч қачон унга тўғри қараб ҳаракатланмайди. Асосий чизиққа эришишнинг ҳар хил имкониятлари мавжуд. Сиз йўналишингизда эгри юришингиз мумкин, лекин ҳаракатингиз фақат олға бўлади. Йўлингиз қанчалар ўнқир-чўнқир бўлмасин, у барибир охир-оқибатда ҳаммамизга маълум ўлим билан тугайди. Исталган пайтда сиз асосий чизиққа қайтишингиз мумкин. Бунда сиз ҳаёт қувончларини ҳис қилишингиз, умуман бу Оламда мавжудлигингизни тасдиқлайдиган турмушдан баҳраманд бўласиз. Ортингизда эса доим шу тушунча қолади — ҳаёт йўлини танлаш, ўз тақдирингизни яратиш имконияти. Бунинг иложи якуний чизиқ бошланганда — ўлим яқинлашганда тугайди. Ўлимдан сўнг сизда танлаш эркинлиги қолмайди. Танлаш ҳуқуқи тугалланмас ҳисобланмайди. Бош танловни амалга ошириш учун аввалambор, сизда бунга нисбатан кучли мойиллик, истак зарур. Шу тарика ўз тақдирингизни белгилаб, тўғри йўналишга қадам ташлайсиз. Бу танловни 38 ёшимда юзага чиқардим. (Мен болаликдаги ёзувчи бўлиш орзуим ҳақимда гапираяпман).

— Асарларингизга ишонч билдириш мумкин бўлган, яъни аслиятдан охорини тўкмай таржима қиладиган таржимонни қандай топасиз?

— Шундай тиллар борки, мен уларда ҳаттоки исмимни ўқий олмайман (масалан, рус ва япон тили). Шунинг учун шартнома тузилганда бунда нафақат моддий манфаатларни, балки ахлоқий мажбуриятларни яхши тушуниш зарур. Сиз нашриёт тавсия қилган таржимонга асарингизнинг оригиналигини сақлаб қолишига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

* * *

Пауло Коэльо нима ҳақда ёзади? Ёзувчининг айтишича, у орзу тўғрисида, энг муҳими уни билиш, орзу сари талпиниб, ҳеч қачон ортга чекинмаслик хусусида ёзади. Шуни ҳам унутмаслик керак-ки, ҳар бир инсон — бу Нур аскари. Лекин ҳамма буни англамайди. У китобхонга «Сен ким?» деган саволни ўртага ташлаб, ингичка ёғоч тахтага қора сиёҳ билан «чўпон», «менежер», «танкчи», «вазир», «гармончи» деган ёзувга боқишга ундайди. У ерда ким яшириниган дейсизми? Бу албатта, сиз — китобхон, Қалб бўлиб чиқасиз. Бу дунёга келган ёркин, ўлмас Қалб.

Рус тилидан Шаҳобиддин РАСУЛОВ таржимаси.

МЕРОС

"Илм — билмаганни билганлардан ўрганмоқдир"

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг "Адиб ус-сония" рисоласи (ўқув адабиёти)нинг мақсади унинг дебочасида қуйидагича тавсифланади: "Мактоби ибтидоия шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак учун мумкин даражада очиқ тил ва осон таркиблар ила ёзилмиш қироат китоби".

Мукаммал даражадаги илм ўрганмоқни ният қилган ҳар бир инсон фарзанди ҳарф таниганидан сўнг қироат (ўқиш ва ёзиш)га киришади. Эзгуликка йўғрилган матнлар мазмунидан ўрганилган ғоя ва тушунчалар инсонни эркин фикрлашга ундайди. Барча илмларни эгалламоқнинг пойдевори эса эркин фикрдир. Шуни ҳисобга олган ҳолда мазкур қироат китобида муаллиф матнларни узвийлик асосидаги тамойилларга кўра жойлаштирган.

"Ҳамд", "Саловат" ва "Илм" матнларида кишини ҳурфикрлиликка ундовчи ақида ва тушунчалар мужассамлашган. Масалан, рисоладаги "Илм" номли матнда шундай сўзлар бор: "Илм — билмаган нарсаларни билганлардан ўрганмоқдур". Ҳа, ўқувчи учун мавҳум ҳодиса ва тушунчаларнинг айрим қирралари уни билган кишиларнинг берадиган маълумоти асосида англашилади. Ушбу рисоланинг яна бир қисмида "Одам боласи туғилган замонда ҳеч нарсани билмас. Ҳаттоки, сўзламоқ, ёзмоқ, яхшини ёмондан, оқни қорадан айирмак каби энг керакли нарсалардан маҳрумлик ҳолда дунёга келур. Сўнгра оз-оз ўрганмоқ ила ҳар нарсани билур" дейилади. Бу парчада ҳам барча ҳурфикрлилик тамойилларининг асоси ўрганмоқ экани яна бир карра уқтирилган.

Ушбу ўқув адабиётида Мунаввар қори Абдурашидхонов илм ўргатиш йўлида меҳнат қилаётган, ёш авлод тарбияси билан шуғулланаётган мударрис ва муаллимларимиз, устозу мураббийларимиз ишига юксак баҳо берган. "Оталаримиз, оналаримиз, улуғларимиз ва муаллим афандиларимиз ушбу билган нарсаларимизни ўргатмаган бўлсалар эди, ҳозирда биз ҳам ҳеч нарсани билмас эдук", дейди муаллиф.

Шу билан бирга бошланғич маълумот олишда оилавий таълим ва тарбия, унда ота-она масъулияти ҳақида ҳам жуда жўяли фикрлар илгари сурилган. Қолаверса, таълим олувчиларнинг илм олишга масъулият билан ёндашишлари лозимлиги ҳақида ҳам мазмунли матнлар бор. Жумладан, рисолада шундай дейилади: "Одам болаларига зиёда лозим бўлган нарса — билмаганларини билганлардан сўраб ва ўқуб ўрганмак, яъни илм деган азиз ва фойдали нарсани қўлга олмак учун ҳаракат қилмоқдир".

Китобда илмнинг ҳаётбахш қирралари ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида ҳам маълумот берилади. "Илм — одамнинг зеҳнини очар, ақлини орттирар, билмаган нарсаларини билдирур, дунёда бахтли ва иззатли қилур. Охиратда саодатли ва шарофатли қилур".

Маърифатпарвар аллома Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг мазкур рисоласидаги манбалар шак-шубҳасиз илм толибларини ҳурфикрлилик, дунёвий ва диний илмларнинг аҳамияти ҳақидаги маълумотлар билан таништиради. Маънавий ва маданий меросимиз бўлмиш бу каби манбалар ҳозирда ҳам мактаб ва бошқа таълим муассасаларида ўрганилса, фойдадан холи бўлмас эди. Чунки бундай ноёб китоблар тарихий-миллий аҳамият касб этиши билан бирга, миллий дидактик таълимларимиз тараққиётини юксалтиришга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Маҳмуд РАВШАНОВ, Навоий давлат кончилик институти доценти.




МАДАНИЯТ

САНЪАТ

ЖИЛОЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Азамат болалигиданоқ борлиққа ўзгача нигоҳ билан боқар, ҳар бир нарса бўйича ўзига хос мушоҳадага эга эди. Ҳарбий хизматдан қайтган амакиси Исмат аканинг аскарлик даврида тутган альбоми ва кундалик дафтарига чизган суратлари ҳали мактабга бормаган Азаматнинг диққатини тортади. У катта иштиёқ ва қизиқиш билан ҳарбий ҳаёт акс этган лавҳаларни қоғозга кўчиришга ҳаракат қилади. Ўрта мактабга боргач эса деворий газеталарни безаш, ёзув-чизув ишлари билан шуғулланиб, ўқитувчиларнинг эътиборини қозонади. Кейинчалик мактабни битирган акаси Анвар Тошкентдаги Беньков номли санъат олий мактабига ўқишга киради. Ўзи таҳсил оладиган билим масканини тарғибот қилиб, ёш Азаматнинг юрагида рассомчиликка ҳавас уйғотади.

Келажакда мусаввир бўлиш орзуси 1978 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган Азаматни махсус бошланғич билими бўлмагани учун Тошкент театр ва рассомчилик институтининг 2 йиллик тайёрлов курсига ўқишга бошлади. Ўқиш жараёнида устозлари Виктор Соседов, Виктор Сторожов, Дилёр Имомовлардан сабоқ олади. Олийгоҳга қабул қилинганидан сўнг театр саҳнаси безаги сирларини қунт билан ўргана бошлайди. Бу соҳада Анатолий Жибоедов, Георгий Бримларнинг машғулотлари Азаматга мумтоз ранг-тасвир услуби учун тарбия мактаби вазифасини ўтайди.



Машғулотлардан бўш вақтларида ўз устида тинимсиз изланади. Ўзининг интилиши, зукколиги билан устозларининг эътиборини қозонади. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб, Қашқадарё вилоятининг Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли мусиқали драма театрида рассом сифатида фаолият юритди.

Ҳаёт воқелигини кенг кўламда теран ҳис қилиш, бўёқларда типик акс эттириш, ранглардан усталик билан унумли фойдаланиш ёш рассом изланишларида ўз самарасини бера бошлади. Томошабинни эстетик тарбиялашда театр ва тасвирий санъатнинг алоҳида ўрни борлигини дилдан ҳис қилган рассом бу йўналишларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Азамат саҳналаштирилаётган ҳар бир спектаклда саҳна безакларини асар ғояси ва воқеликлар ривожидан келиб чиққан ҳолда талқин қилади. Бу эса режиссёр ва ижрочи актёрларнинг ўзлигини намоён этишда яқиндан кўмаклашади. Жумладан, Анвар Обидженнинг "Тўтиқул", Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон", Эркин Воҳидовнинг "Руҳлар исёни", Холмуҳаммад Ҳасаннинг "Кал-кал какиён", Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" каби саҳна асарлари ёш мусаввирга шон-шуҳрат олиб келди. Айниқса, 1990 йилда ўтказилган республика анжуманида "Мулоқот" театр студиясининг фахрли бош совринини қўлга киритишида рассом Азамат Сатторовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди.

"...Рассом Азамат Сатторов томонидан шартли қилиб дид билан ишланган оддий декорация умумлашма — рамзий маъноларни ташувчи унсурлар асарлар мазмунига мос бўлиб, нафақат саҳнада, балки очиқ майдонларда ҳам ўйнаш имконини беради", дея ёзган эди санъатшунос олим Муҳсин Қодиров.

Азамат Сатторов "Эски масжид" театр студиясида саҳналаштирилган Чингиз Айтматовнинг "Найман она нидоси", Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий асарлари асосида саҳналаштирилган "Шайх Санъон", грузин ёзувчиси Шадиман Шомонадзенинг "Меҳрибонгинам", Карло Гольдонинг "Икки жанобга бир хизматкор" саҳна асарларига ишлаган расмлари ҳам унга шуҳрат олиб келди.

Шу билан бирга Азамат ранг-тасвир жанрида ҳам ижод қилади. У чизган суратлар ичида "Мингчинор манзаралари" асари ўзининг нафис жилолари, ҳаётийлиги билан киши нигоҳини ўзига тортади. "Висол", "Субҳидам", "Тақиқланган мева" суратларида табиатнинг ҳаёт гўзаллиги, табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик нафис тасвирланади. Азаматнинг ҳар бир асари инсонга руҳий озуқа беради. Яшашга чорлайди. Ватанга, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғотади.

Рассомнинг барча манзара асарлари учун характерли хусусият шундаки, уларда умумий ягона фон кўзга яққол ташланади. Атроф-муҳит, мусаффо ҳаво енгил тасвирлан-

> *Азаматнинг ҳар бир асари инсонга руҳий озуқа беради. Яшашга чорлайди. Ватанга, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғотади.*

гандек таассурот қолдиради.

Азамат Сатторовнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, 2000 йилда "Шуҳрат" медали соҳиби бўлди. Рассом асардан асарга ўсиб, такомиллашиб борди. Айниқса, ўзининг топилмалари билан мутахассислар эътиборини қозонди. У чет эл адабиётини ўқиб-ўрганишдан, китоб мутолаа қилишдан эринмайди. Рассом билан мулоқотда бўлган киши бир дунё янгиликларни билиб олади. Вилоятда ўтказиладиган "Наврўз", Мустақиллик байрамларининг ташкилий қўмита аъзоси, бош мусаввири сифатида доим изланишда.

Бир неча бор бадиий жамоалар билан хорижий мамлакатларда хизмат сафарида бўлиб, мустақил юртимиз эришган ютуқларни тарғиб ва ташвиқ этишда ҳам фаол иштирок этди. Миллий ўзбек театрини чет элларда намойиш этиш, Ўзбекистон санъати нуфузини янада ошириш мақсадида "Эски масжид" театр студияси билан ҳамкорликда халқаро анжуманларда, жумладан, Италия, Франция, Бельгия, Миср каби бир қатор мамлакатларда ижодий сафарларда бўлди. У чизган расмлар чет эллик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди.

Азамат Сатторов бугунги кунда Ўзбекистон Бадиий академияси Қашқадарё вилоят бўлимига етакчилик қилмоқда. У вилоятда фаолият кўрсатаётган рассомларнинг ўй-ташвишлари билан доимо банд. Республика Бадиий академиясининг Кўргазмалар залида рассом Шамсиддин Аликуловнинг шахсий кўргазмасини ўтказиш, Қарши маданият колледжида ёш рассом Фароғат Хуррамованинг ижодий кўргазмасини ташкил этиш каби тадбирлардан қўли бўшамайди. Вилоятда ҳалигача мусаввирлар асарлари кўргазмасини намойиш этиш учун муқим бинонинг йўқлиги, ҳайкалтарошларнинг бошини қўшиш каби бир талай ташвишлар ҳам унинг зиммасида.

Рассомнинг санъатга бўлган муҳаббати фарзандларига ҳам ўтган. Ўғли Йигитали Қарши маданият коллежида расмчилик йўналиши бўйича таҳсил олади. Қизлари Гулчеҳра, Ҳилола ва Зилолалар ҳам ота касбини улуғлайди, ўзлари ҳам расм чизади.

Юртимиз тасвирий санъатига муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли, тинимсиз рассом Азамат Сатторовдан халқимиз ҳали кўплаб янги асарлар кутиб қолади.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

ТАКЛИФ

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ФАЛОКАТ КЕЛТИРАДИ

Дунёда инсон хавфсизлиги ҳамма нарсадан устун. Пойтахтимиз кўчалари кенгайиб, транспорт воситалари ўтадиган йўлларда хавфсизлик чора-тадбирлари кўрилмоқда. Пиёдалар юриши учун махсус йўлаклар ташкил этилган. Айниқса, йўл ҳаракати қоидаларига кўзимиз тушса, дилимиз равшан тортади. Бундай имкониятлардан ҳайдовчи ва йўловчилар қай даражада фойдаланмоқда, деб гоҳида ўйлаб қоласан киши.

Ҳар куни ишдан қайтаётганимда Яккасарой тумани ҳудудидаги катта йўл тепасида ёзилган «Тезликни ошириб, ёш умрингни хазон қилма», деган сўзларга дуч келаман. Атрофимда эса светофор чироқларига ҳам қарамай тезликни меъёридан ошириб бораётган айрим ҳайдовчиларга кўзим тушади. Хаёлимдан ҳар гал бу «шоввоз"лар нафақат ўз умрини, балки, бошқалар ҳаётини ҳам хавф остига қўяётганини билишармикан, деган фикр ўтади. Баъзан эса йўловчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмай, транспорт воситалари қатнаётган катта кўчаларни кесиб ўтаётгани кишини хавотирга солади. Бундай эътиборсизлик оқибатида юз бераётган автоҳалокатлар қанчадан-қанча инсонлар умрига зомин бўлаяпти. Бу каби бахтсиз ҳодисаларнинг ҳозир ҳам тез-тез учраши кўпчиликка маълум. Масалан, айрим қабристонлар атрофидаги кўчаларда автотўқнашувлар кўп содир бўлади. Ахир, аждодларимиз муқаддас қадамжо ва қабристонлар атрофидан ўтаётганида туяда, отда ёки хачирда бўлсада, эгардан тушиб марҳумларни хотирлаб ўтиши бежиз эмасдир. Эринчоқлик билан бепарво ўтганлар йиқилиб жароҳатлангани ёки бедаво дардга чалинганини ёши улуғлар кўп эслашади.

Қолаверса, айрим муқаддас қадамжолар атрофидаги кўчаларда йўл ҳаракатининг махсус белгилари қўйилмаган. Бундай белгилар баъзи боғча, мактаб, шифохона, дорихона йўлакларида ҳам учрамайди. Одамлар гавжум бўлган ҳудудларда йўл ҳаракати белгилари жорий этилса, нур устига аъло нур бўларди. Ана шунда тасодифий автоҳалокатларнинг сони кескин камаярди. Зотан, инсонга ҳушёрлик ва огоҳлик ҳар доим керак.

Эсонбой САРИМСОҚОВ

СПОРТ

ВАКИЛИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Испаниянинг Ситжес шаҳрида ўтказилган "Вила де Ситгес" халқаро шахмат турнири якунланди. Унда 160 нафардан зиёд шахматчи ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Мусобақада иштирок этган ўзбекистонлик гроссмейстер Алексей Барсов тўққиз имкониятдан олти ярим очко жамғариб, пешқадамлар қаторидан жой олди. Вакилимиз турнир давомида мезбонлардан – Ангел Рамос Сарто, Давид Эскофет, Давид Виго Аллепуз ва кубалик Алексиз Доре ва Орелвиз Перезларга қарши дона суриб, уларни мағлубиятга учратган бўлса, испаниялик Хосе Антонио Лакаса, Алфонсо Перез ва чилилик Даниел Баррия билан дуранг ўйнашга муваффақ бўлди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Украинанинг Мариуполь шаҳрида юнон-рум кураши бўйича VI халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Арманистон, Беларусь, Греция, Иордания, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Польша, Россия, Туркия, Украина, Ўзбекистон ва Франциядан келган 140 спортчи ўзаро куч синашди.

Ўзбекистон курашчилари мазкур мусобақада муваффақиятли қатнашиб, учта медални қўлга киритишди. Яъни Давид Солдадзе (96 кг.) кумуш, Акбар Қўзиев (55 кг.) ва Суҳбат Ҳожиев (120 кг.) бронза медалларига сазовор бўлишди.

ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДАГИ ИЛК ҒАЛАБА



Россиялик йигирма икки ёшли теннисчи Вера Душевина ўз фаолияти давомида биринчи марта WTA сериясига кирувчи турнирда зафар қозонди. Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган мазкур мусобақа финалида Вера Душевина Люси Храдецка қарши баҳс олиб бориб, рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шундай қилиб, россиялик спортчи Храдецкни икки сет натижасига кўра, 6:0, 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, жаҳоннинг қирқ тўққизинчи рақамли теннисчиси ҳисобланган Вера Душевина турнир давомида машҳур ракеткачилар украиналик Юлиана Федак, италиялик Мария-Елена Камерин, испаниялик Анабель Медину-Гарригеслар билан баҳс олиб бориб, ҳамма учрашувда ғалаба қозонди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу турнирнинг мукофот жамғармаси 220 000 АҚШ долларини ташкил этди.

ПАВЕЛ ПОГРЕБНЯК «ШТУТГАРТ»ДА



Футбол бўйича Россия терма жамоаси ва "Зенит" клуби ҳужумчиси Павел Погребняк кейинги мавсумдан бошлаб Германиянинг «Штутгарт» жамоасида тўп суради. Бу ҳақда Санкт-Петербург клубининг расмий сайти хабар тарқатди.

Бошқа оммавий ахборот воситаларининг хабарларида айтилишича, футболчи янги жамоа билан тўрт йиллик шартномага имзо чеккан. Трансфер баҳоси эса 10-12 миллион еврони ташкил этган.

АЛЕКС ФЕРГЮССОННИНГ НИЯТИ ЖИДДИЙ



Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси бош мураббийи Алекс Фергюссон кейинги мавсумда ўз шогирдлари билан 100 та гол урмоқчи.

— Ҳар мавсумда юзлик давонни забт этишимизга жуда яқин қолади, — дейди мураббий The Guardian газетасига берган интервьюсида. — Олдинги мавсумларда жамоанинг Пол Скоулз, Райан Гиггз ва Дэвид Бекҳэм каби етакчи футболчилари ҳар мавсумда рақиблар дарвозасига 10 тадан тўп киритиб, юзликни забт этишга ўз ҳиссасини қўшарди. Жорий йилда эса мен Уэйн Руни ва Майкл Оуэнга ишонч билдираяпман. Афсуски, бу йил бизга Криштиану Роналду ёрдам бера олмайди. У кўп голларга муаллифлик қилиш билан бирга тўп узатишларни ҳам қойиллатарди. Умид қиламанки, бошланиш арафасида турган жорий мавсумда мухлисларимиз янгича услубдаги ўйинларнинг гувоҳи бўлишади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Ваъда — олтиндан қиммат

ТАФАККУР

Кимдир қалин ва бемаъни асарни ўқирди. Унинг охири кўриниб қолганда файласуф Диоген хитоб қилди: "Дўстлар, дадил бўлинглар: соҳил кўринди!"

* * *

Баъзи кексаларнинг "Ёшим ўтди, менда муҳаббат туйғуси йўқ" деган гапларига қўшилиб бўлмайди. Фарзандларингиз, ёру дўстларингиз, қўни-қўшниларингиз ҳамда ҳамкасбларингизга меҳр кўзи билан қарашни ёки шогирдлар тайёрлаш ва ёшларга сабоқ бериш, қўйингки, зиммангиздаги вазифаларни виждонан бажаришнинг уддасидан чиқаётган бўлсангиз, демак, сиз инсонларга, касб-коринигизга муҳаббат билан қарамоқдасиз.

* * *

Аёллар муҳаббати — ўта нафис туйғу. Буни биз хулоса, яъни аксиомадек қабул қиламиз. Аммо муҳаббат қаршисида шер юракли эркакларнинг ҳам қўйдек ювош тортиб қолишларини кўрганингда, бунинг ҳалигача исботи топилмаган мураккаб «теорема» эканини тан оласан.

* * *

Ваъда — олтиндан қиммат, аммо у қоринни тўйдирмайди.

* * *

Обрў харсангтошга ўхшайди: обрў топиш, уни сақлаб туриш харсангтошни жойидан қимирлатиб, тепаликка олиб чиқиш сингари давомли ва машаққатли иш; харсангтошни пастга думалатиб юбориш ҳам, обрўни йўқотиш ҳам бир зумлик ва ўта енгил юмуш.

* * *

Оталар ўз фарзандларининг яхши яшаши учун ҳамма нарсани уддалайди: уларни вояга етказади, тарбиялайди, ўқитади ва уйли-жойли қилади. Лекин фарзандлар ҳаётининг бир кунини ҳам улар учун яшаб беролмайдилар.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
техника фанлари доктори.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Ўғилчамизни институтга жойлаб қўясиз-да... Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 10589 Буюртма — Г-726 123 5